



Qonunchilik va huquq-tartibot uchun!

Поемда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 15 июль, пайшанба • 29 (3557)-сон

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВГА

Қадрли Рустамжон ўғлим!

Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлиқ улкан ютуқ эканини, дунёнинг манамаман деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шуқуҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришига ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамыз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



ФИДЕ президенти Кирсен Илюмжанов ва Рустам Қосимжонов чемпионлик кубоги билан.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ХАФТА
ИЧИДА




4

ОСОЙИШТАЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА




6

ИККИ
КИШИЛИК ...
МИНИМОБИЛЬ



16

МУҶАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ



17

ЮЛДУЗ
БЎЛИБ ТУФИЛГАН ЮЛДУЗ



21

ЗАФАР ЁР БЎЛСИН!



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини Хитойда ўтадиган Осиё чемпионатида кузатишдан олдин ЎФФ президенти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов терма жамоа мураббийлари ва аъзолари билан суҳбатлашиб, уларга мамлакатимиз Президентининг самимий тилаklarини етказди.

Биз ҳам барча ўзбекистонлик футбол мухлислари номидан футболчиларимизга омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Кўлингиздаги ушбу ва бундан кейинги газеталаримизни 24 саҳифада ўқийсиз. Шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, саҳифалар ошган бўлсада, нашримизнинг обуна суммаси ва сотувдаги нархи ўзгармайди. Буни сиз, азизларга мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишланган тўғамиз деб қабул қилгайсиз.

Газетамиз саҳифаларида янги рукнлар ташкил қилинди. Жумладан, "Мурувват" рукни остида юртдошларимизнинг ўзаро меҳр-оқибатларини ёритувчи материаллар бериб борилса, "Сиз кутган учрашув" саҳифасида таниқли ижодкорлар, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган истеъдодли ходимлар, санъаткорлар билан суҳбатлар эътиборингизга ҳавола этилади. "Қурама" рукнида эса жаҳондаги турли қизиқарли, ғайритабиий воқеалар билан танишиб борасиз.

Шунингдек, муштарийларимизнинг газетамизни бундан-да мазмунли ва ўқимишли қилиш учун яна қандай мавзуларни ёритишимиз кераклиги ҳақидаги фикрларини билишни истардик. Мақтубларингизни кутиб қоламиз.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Донишманддан сўрадилар:

— Ҳима учун уйларнинг болори тоқ бўлади, масалан, етти болорли?

Донишманд жавоб берди:

— Саккизинчиси уйнинг эркаги.



«Poeмда» газетасининг иловаси
УЧИНЧИ
+
ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Кун кеча республика Ички ишлар вазирлигида ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров олиб борди.

Йиғилишда ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари, Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, республика ИИВ

ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

хузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари, ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби бошлиқларининг шахсий таркиб бўйича ўринбосарлари, ИИВ ва ИИБлар махсус инспекцияларининг бошлиқлари, ИИВ ўқув марказларининг бошлиқлари ва мазкур хизмат ходимлари иштирок этишди.

Кун тартибига кўйилган масалалар юзасидан ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиқнинг 1-ўринбосари, милиция полковниги Х. Ҳикматов, Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция бошлиғи, ми-

лиция полковниги Ш. Иноғомов ва ШТБИХ таълим муассасалари бўлими бошлиқининг ўринбосари, милиция подполковниги Б. Пулатовлар маъруза қилишди.

Маърузачилар асосий эътиборни жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, кадрлар резерви билан ишлаш ҳамда мураббийлик ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишди. Шунингдек, бу бора-

да йўл кўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чораларига қаратилди. Баъзан ходимлар ўртасида содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш, бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, ИИВ Бирлашган таҳририятти нашрлари сифатини янада яхшилаш, ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилаётган иккинчи истеъдод эгаларини излаб топиб, улар ижодидан унумли фойдаланиш ҳақида ҳам гап борди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шухрат РЎЗИЕВ,
милиция майори.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривож топиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов билан ГФРнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси муваққат ишончли вакили Курт Штекль-Штилльфрид ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Унда Ўзбекистон томонига замонавий криминалистик асбоб-ускуналар топширилди. Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Германия Федераль криминаль полицияси ўртасида халқаро уюшган жиноятчи-

ликнинг турли кўринишлари, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш муҳим эканлиги таъкидланди. Бу масалаларда икки томон ўртасида тўла ишонч ва ҳамфикрликка эришилди. Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг кўплаб вакиллари, жумладан, жиноят қидирув ходимлари, кинологлар, эксперт-криминалистлар ҳамда бошқа хизматларнинг мутахассислари ГФРда амалий иш тажрибаларини ошириб қайтишди.

Германиялик ҳамкасблар уларга турли хил махсус техникалар туҳфа этишди. Бу гал юпқа қаватли, хромотографияга мўлжалланган асбоб-ускуналар ва сарфлов материаллари, шунингдек, "Меттлер-тоledo" фирмаси томонидан ишлаб чиқилган кичик тарозилар топширилди. Улардан экспертиза ўтказиш ва жиноятчилардан олинган гиёҳвандлик моддаларини тадқиқ қилишда фойдаланилади.

Техникани топшириш маросимида республика ИИВ ўз хусусиятларини йўқотиб, ҳосилдорлик пасайиб кетишини билишмаса? Бундан ташқари пайкаллар атрофига экилган дов-даракларнинг олов таъсирида қуриб қолиши ва осмонга кўтарилаётган тугун фуқароларимиз соғлиғига зарарли эканлигини тушунмасликларига ишонинг қийин.

Ўз мухбиримиз.

РЕЖА УДДАЛАНДИ

Қашқадарёлик галлакорлар давлатга дон топшириш йиллик шартномавий режасини ортиғи билан бажаришди. Улар қабул пунктларига 273 минг 600 тоннадан ортқ дон етказиб беришди.

Хирмонни бунёд этишда вилоят ИИБ ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ўрим-йиғим мавсумини беталофот ўтказиш учун ёнғинларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш учун ички ишлар ходимлари ҳамда маҳалла посбонлари жалб этилди.

Ўримга жалб этилган "Кейс" ҳамда "Россия" комбайнлари доимий назоратдан ўтказиб борилди. Тунги ўрим ишларида ходимларнинг масъулияти янада оширилди. Далалардан йиғиштириб олинаётган донни қабул пунктларига етказиш, майда ташмачиликка йўл қўймаслик, талон-тарожликнинг олдини олиш борасида олиб борилган профилактик тадбирлар самарасиз кетмаяпти. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари дала, хирмон, омборларда доимий навбатчилик ташкил этиб, назорат ишларини олиб боришяпти. Шу боис, вилоят ҳудудида ёнғин билан боғлиқ бирорта ҳолат содир этилмади.

Ҳосил ташиётган автотранспорт воситаларининг бир маромда ҳаракатланишини таъминлаш, автоҳалокатларнинг олдини олишда ЙХХБ инспекторлари томонидан кенг қўламли ташвиқот, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, Шахрисабз, Касби, Қарши, Яқабоб, Китоб туманларида муносиб ютуқлар қўлга киритилди.

Айни пайтда вилоят галлазорларида ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ.

Шу ўринда ўйланиб қолсан, киши. Наҳотки, кўп йиллардан бери деҳқончилик билан шуғулланаётганлар галласи ўрилган майдонларни ёқиш натижасида тупроқнинг унумдор қатлами ўз хусусиятларини йўқотиб, ҳосилдорлик пасайиб кетишини билишмаса? Бундан ташқари пайкаллар атрофига экилган дов-даракларнинг олов таъсирида қуриб қолиши ва осмонга кўтарилаётган тугун фуқароларимиз соғлиғига зарарли эканлигини тушунмасликларига ишонинг қийин.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизматлари томонидан хўжалик раҳбарларига ёзма кўрсатмалар берилган. Галладан бўшаган майдонларга токи шудгорлаш ишлари тугатилгунга қадар ишчи-хизматчилардан назоратчи тайинлаш, болаларнинг майдонда ўйнашларига йўл қўймасликлари талаб қилинган.

ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББда Ҳукуматимизнинг кинология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган қарори ижросини таъминлашга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаев иштирок этди ва соҳа ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Хусусан, Қорақалпоғистон республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва жойлардаги ИИБлар кинология хизмати бошлиқларига бундан кейин ҳам хизмат самарадорлигини ошириб бориш, питомниклардаги шароитни янада яхшилаш, кинолог ходимларнинг касбий маҳоратлари ҳамда хизмат итларини тегишли йўналишлар бўйича тайёрланганлик даражасини кўтариш зарурлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг Бош бошқарма бошлиқининг ўринбосари, милиция подполковниги Ф. Пармонов ички ишлар идораларида қарор талабларининг бажарилиш аҳволи, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда олдинда турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, — деди у,

— содир этилаётган ўғирлик, босқинчилик, қотиллик каби жиноятларни фош этишга кинолог-инспекторлар ҳамда хизмат итларининг жалб этилиши талаб даражасида эмас. Лекин воқеа жойига олиб чиқилаётган тўрт оёқли кўмакчилар ёрдамида жиноятларнинг 60-70 фоизи қисқа фурсатда очилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, кинология хизмати мутасаддилари ИИБлар раҳбарияти, навбатчилик қисми ва тезкор хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришлари зарур.

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ кинология хизмати бошлиғи, милиция капитани Д. Ҳасанов мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, рўй бераётган жиноятларнинг изи совимай туриб очилишида соҳа мутахассисларининг иштироки самарали бўлаётганини таъкидлади. Жорий йил бошидан буён

хизмат итлари ёрдамида 2285 та жиноят очилди. Ходимларнинг билими ва касб маҳоратини ошириш мақсадида 12 нафар кинолог Россия Федерациясининг Ростов шаҳридаги кинологларни тайёрлаш мактабида махсус йўналишлар бўйича ўқитилди. Бундан ташқари, тизим фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида меъёрий ҳужжатлар, қўлланма ва йўриқнома-лар ишлаб чиқибли, тегишли идоралар билан келишилган ҳолда амалиётга татбиқ этилди.

Семинар-кенгашда Тошкент шаҳар ИИБ республика ихтисослашган кинология маркази бошлиғи, милиция полковниги А. Гришко хориждан келтирилган "DOCTRA" электр бўйинбоғи ёрдамида хизмат итларини ўргатиш усулини намойиш этди.

Анжуман қатнашчилари билан ИИВ ППХ ва ЖТСББ томонидан ишлаб чиқилган "Кинолог" компьютер дастуридан фойдаланиш тартиби бўйича амалий ўқув машғулотига ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида фаолиятни янада жонлантиришга келишиб олишди.

Қобилжон ШОКИРОВ.

ҲАРБИЙ ЖАМОА БАЙРАМИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички кўшинлар Бош бошқармасига қарашли Ш. Чиналиев раҳбарлигидаги ҳарбий қисм ташкил топганлигининг 12 йиллиги муносабати билан катта тадбир ўтказилди.

Тадбирга Бош бошқарма ходимлари билан бирга фахрийлар, ўзини-ўзи бошқариш идоралари вакиллари иштирок этишди. Ш. Чиналиев тантанани очиб эълон қилар экан, ушбу ҳарбий жамоа истеҳсол шарафати яна ташкил этилганлигини таъкидлади. ИҚББ бўлим бошлиғи вази фасини бажарувчи, майор Р. Назиров

қўмондоннинг табригини ўқиб эшиттирди. Қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Н. Сулейманов, ИИВ Ички ва Қоровул кўшинлари Фахрийлар кенгашининг раиси Е. Жуковский ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўз хизмат бурчларини шараф билан уддалаётган офицер ва аскарларга зафарлар тиладилар.

Мирзо Улуғбек шаҳарчаси хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари А. Эргашева ўз табригини барча оналар номидан йўллаб, аскарларга ота-оналари бағрига соғ-омон қайтишларига тилак билдирди.

Тантаналар тақдирлаш маросимига уланиб кетди. Хизматда ўзини кўрсатган бир қатор ҳарбийлар, шахсий таркибини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрийлар пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрликлар билан мукофотландилар. Бир сўз билан айтганда, тадбир ўзига хос, кўтаринки кайфиятда ўтди.

Гулушода ҚҮРБОНОВА,
оддий аскар.

Суратда: тадбирдан лавҳа.
Борис ОСТРОВЕРХОВ олган сурат.

Галла-2004

ЕРГА ОЗОР БЕРМАНГ

Галладан бўшаган майдонларни бугдой пояларидан тозалаш учун ёқиб юбориш ҳолатлари учраётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Галла ўрилган майдонларни ёқиш, сомонини томга олиб чиқиш ёнғин хавфсизлиги қондаларига зид эканлиги фермер ва деҳқонларга тушунтириляпти. Аммо шунга қарамай айрим жойларда мавжуд қондаларга амал қилинмаётгани ташвишлидир.

Галла майдонлари, дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ёнғин ўчириш автомобиллари жанговар ҳолатда, кечаю-кундуз хизмат қилаяпти. Ҳар кун текширувлар ўтказилиб, тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин орамизда шундай инсонлар ҳам борки, ўзининг ёки давлат мулкига мутлақо бепар-

во бўлиб, юз карра қайтарилса ҳам, оддийгина ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармайдилар.

Бухоро вилояти Когон тумани Бўстон ширкат хўжалигида галласи ўрилган 0.9 гектар майдон ёнган. Ёнғин Сараён қишлоғида яшовчи Ш. Норов МТЗ-80 русумли тракторини учкун ушлагичсиз бошқаргани сабабли содир бўлган. Сир-

дарё вилояти, Ш. Рашидов тумани "Эминжон полвон" фермер хўжалигининг 6 гектар, Гулистон тумани А. Темур деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли 16 гектар арпаси ўрилган майдон ёқиб юборилган. Тошкент вилояти Бекобод тумани Бобур номли ширкат хўжалиги пудратчиси А. Мамадганиев ҳам ана шундай ҳолатга йўл қўйган. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани А. Темур ширкат хўжалигида ҳалласи ўриб олинган 16 гектар майдон ёқиб юборилган.

Албатта, бундай ножўя ҳаракатлар кескин қораланади. Аниқланган ҳар бир қоидабузар тегишли жазо олади, ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган ёки уларни бажармаётган раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилаверади.

Даврон ҚАМБАРОВ,
ички хизмат катта лейтенанти.

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

САХОВАТПЕШАЛИК

Халқимизда кексаларни ҳурматлаш, ота-оналарни эъзозлаш, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш, ногиронлар, етим-есирларга мурувват кўрсатиш азалий фазилатлардан ҳисобланади, бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб келяпти.

Савобли ишлар кишилар кўнглини бир-бирига боғлайди, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди. Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Гулистон шаҳридаги 27-меҳрибонлик уйини оталиққа олган. Шу йил баҳорда бу маскан тўлиқ таъмирдан чиқарилди, маиший хизмат хоналари қайта қурилиб, жиҳозланди. Булар учун жами 7 мил-

лион сўм сарфланди. Унинг 1,5 миллион сўмини вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари хайрия қилдилар. Таъмирлаш ишларининг асосий қисмини ходимларнинг ўзлари бажаришди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни арафасида Гулистон шаҳридаги 15-сонли “Булбулча” болалар боғчаси жамоасига моддий ёрдам берилди, болаларга янги ўйинчоқлар совға қилинди.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар билан эса яқинда Тошкент шаҳрига саёҳат уюштирилди. Болажонлар пойтахтдаги ҳайвонот боғида, бир қатор музейларда бўлдилар.

Умурзоқ ҒАФФОРОВ,
милиция катта сержанти.



Суратларда: болалар пойтахт ҳайвонот боғида.

Миннатдорчилик

ХИЗМАТГА МУНОСИБ БАҶО

Шу йил 15 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани “Ўзбекистон” ширкат хўжалигида яшовчи Йўлдош Матниёзов Урганч деҳқон бозорига ўз томорқасида етиштирилган тарвузни сотгани олиб келганди. Кимдир чарчаганидан фойдаланиб, пул солинган ҳалтасини олиб қўйганини пайқамабди. Й. Матниёзов дарҳол бозор ҳудудида хизмат қилиб юрган ички ишлар ходимларига мурожаат қилди. Профилактика инспектори, милиция капитани Абдумалик Бобожонов, ППХ ходимлари, милиция капитани Музаффар Саъдуллаев, милиция страшинаси Гулимбой Дўсимовлар унинг арзини диққат билан эшитишгач, ишга киришдилар. Ҳеч қанча ўтмай, ўғирлик қилган кимса қўлга тушди. Хонқа тумани “Хоразм” ширкат хўжалигида яшовчи Қ. Омонбой ашёвий далил билан уйда ушланди. Унинг ёнидан 1 миллион 200 минг сўм пул, қўл соати ва бошқа буюмлар чиқди. Буюм ва пуллари қайтариб олган Й. Матниёзов Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Б. Сидиковга миннатдорчилик мактуби йўллади.

Мирзабек АБДУЛЛАЕВ.

Навбатчилик қисми хабарлари

ЭРИГА ТИҒ САНЧДИ

Турмуш муаммоларини бирга ҳал қилаётган, кўча-кўйда ёки бошқа жойларда бир-бирига табассум ҳада этаётган эр-хотинларни кўрганда уларнинг аҳиллигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Навоий вилояти Зарафшон тумани 4-кичик тумандаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи Тимур Наливко ва Натальялар ҳам ана шундай инок умр кечириларини яқинлари, кўни-кўшнилари жуда истагандир. Аммо кутилмаганда бунинг акси бўлиб чиқди. Ўзаро жанжал оқибатида Наталья Багаутдинова эрининг елкасига бир неча марта тиг санчиб, умрига зомин бўлди. Қотил милиция ходимлари томонидан ушланди.

«АҲИЛ» ҚЎШНИЛАР

Хоразм вилояти Шовот тумани О. Хидиров номли ширкат хўжалигида яшовчи О. Оллоберган ва Р. Равшан бир маҳалла, бир кўча, ёнма-ён хонадонда яшади. Улар тез-тез “девороша” гурунглашиб туришарди. Аммо бундайин суҳбатлар яхшилик, меҳр-оқибат тўғрисида бўлмаган экан. Бу қўшниларнинг ўз уйлари олдида 3 кг. 2,36 гр. героинни 30.000 АҚШ долларига сотаётганларида тадбир ўтказётган милиция ходимлари томонидан қўлга олинганларида маълум бўлди. Ким билади, балки энди қўшнилар “ҳамхона” бўлишар...

НИҚОБ ЙИРТИЛДИ

Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деган нақл бежиз айтилмаган. Икки номаълум шахс юзларига ниқоб кийиб, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Фирдавсий кўчасида яшовчи К. Афанасийнинг хонадонига киришганда бизни ҳеч ким танимайди, деб ўйлаган бўлишса ажаб эмас. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, ушбу жиноятнинг “иситмаси” уларни фош этди. Зеро, олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида хонадон эгаларининг қўл-оёқларини арқон билан боғлаб, 331.000 сўмлик уй-рўзгор буюмларини олиб кетган талончилар қўлга олинди. Шундай қилиб ниқоб йиртилди. Илгари судланган ва ҳеч қаерда ишламайдиган В. Денис ва З. Владимир ушбу талончиликлари учун жавоб берадилар.

«ТИКО» ЯНА ЭГАСИДА

Кўргонтепа тумани Бирлашган ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган “Бирлашган” милиция назорат масканида “Тико” автомашинаси шубҳа остига олиб тўхтатилди. Рулни бошқариб келаётган Р. Шокирдан автомобилнинг ҳужжатлари сўралганда нима деб жавоб беришини билмай қолди. Нима ҳам дерди. А. Яссавий маҳалласи Олмазор кўчасида қаровсиз қолдирилган автомашинани ўғирлаб келаётганини айтсинми. У бироз хаёл суриб ниҳоят “ёрилишга” мажбур бўлди. Машинанинг ҳақиқий эгаси Дилшод Усмонов милиция ходимларига миннатдорчилик билдирди.

ОТЛАРНИНГ ЭГАСИ БОР

Тайинли ишнинг этагидан тутмаган С. Алимжон пул топиш ҳақида кўп ўйлади. Аммо гўлаб турган калласидан тузукрок фикр чиқмади. Бирор фойдали юмуш билан шуғулланишга эса бўйни ёр бермади. Шунда далада қаровсиз қолдирилган иккита от кўз олдига келди. Сира ўйлаб ўтирмай тунда уларни ўмариб кетди. Буни қарангки, отларнинг эгаси бор экан. Жониворлар ғойиб бўлганини билган Тошкент вилояти Паркент тумани Ҳисорак қишлоғи Вали Қўноқов дарҳол милицияга хабар берди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида жабрланувчининг ҳамқишлоғи С. Алимжон қўлга олинди.

ҚОТИЛ...СИГАРЕТ

Бугунги кунда олов тилсиз ёв эканлигини билмайдиган одам топилмас керак. Чунки бу ҳақда кўп гапирилаяпти ва ёзилаяпти. Аммо Тошкент шаҳри Юнусобод тумани К. Махсумов кўчасидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшаган Д. Алексей буни унутиб қўйган чоғи. Акс ҳолда уйда маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолмас эди. Унинг эҳтиётсизлиги оқибатида ёнғин келиб чиқиб, унинг 20 кв. метр майдондаги кириш йўлаги, ошхона ва том қисми ёниб зарар кўрди. Д. Алексейнинг ўзи эса бу оламдан бевақт кўз юмди. Ушбу фожиа кўпчиликка сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

Ёз – ўтмоқда соз

«ГУЛИСТОН»ДА БОЛАЛАР КУЛГУСИ

Ёз – болажонларнинг энг сеvimли фасли. Мактабларда сўнгги кўнгирақлар чалиниши билан болалар дам олиш масканларига ошиқшади. Бу пайтда оромгоҳлар ҳам болажонларни ўз бағрига олишга шай бўлади. Шаҳрисабзнинг энг баҳаво гўшаларидан бирида жойлашган, вилоят ИИБга қарашли “Гулистон” болаларни соғломлаштириш оромгоҳи ҳам болалар билан гавжум. Бу ерда олиб борилаётган ишлар ҳақида мазкур оромгоҳ директори Исмоил Очилов куйидагиларни гапириб берди:

Оромгоҳимиз уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Мавсум арафасида бу ерга элтувчи йўллар ва унинг атрофида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ошхона биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Биринчи дам олиш мавсумида 200 нафар бола дам олиб қайтди. Оромгоҳда спортнинг 12 тури бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилади. Миллий кураш тўғрисида “Алпомиш йигитлари” ҳамда “Барчиной қизлари” кувноқ стартилари ташкил этиш анъанага айланган. Бундан ташқари

ёшларни ватанпарварликка чорловчи “Мен юртимнинг содиқ фарзандиман” мавзусидаги кўшиқ ва шеърлар танлови уюшқоқлик билан ўтказилди.

“Биз гиёҳвандликка қаршимиз!” деб номланган театрлаштирилган томоша дам олувчилар томонидан қизгин кутиб олинди.

“Мен меҳр ва мурувватни қандай тушунаман?” мавзусидаги давра суҳбати, “Заковат” ўйини, “Оромгоҳ маликаси ва шахзодаси” каби тадбирлар барчага бир олам завқ берди. Шунингдек, ўғил-қизлар қир-адирларга сайёҳатга чиқи-

шиб, ўлка табиатини ўрганишмоқда.

“Дунёда бўлсин тинчлик!” мавзусидаги расмчиши танловида Н. Алиқулова, Г. Танглиева, А. Расулов, О. Рўзбобоев ҳамда Д. Норқуловлар 1-ўринга лойиқ топилдилар.

Болалар мароқли ҳордиқ чиқариб, таътилни кўнгилдагидек ўтказишларида тарбиячилардан Р. Чориева, Р. Шодиева, М. Хушвақтованинг хизматлари таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Икки юздан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона болалар ихтиёрида.

Оромгоҳда иккинчи мавсум ҳам иш бошлади. Қорақалпоғистондан эллик нафар болалар дам олгани келишди. Улар яхши дам олиб, дўстлар орттириб, қайтишларида ишончимиз комил.

Соҳибжамол АМИНОВА.

Фаолият

ЎТА ЗАРУР ХИЗМАТ

Маълумки, жиноий ишларни очишда суд-тиббёт экспертизаси натижалари муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ИИББ қошида тезкор суд-тиббий эксперт хизмати бўлими ташкил қилинган бўлиб, кундалик иш тартиби ва навбатчилик ўрнатилган. Ўз навбатида бўлим бошлиғи, олий тоифали суд-тиббёт эксперти Н. Алланаза-

ров экспертлар ҳар бир топшириқни ўз вақтида ва маҳорат билан бажаришларини назорат қилиб бормоқда.

Бўлимга тажрибали экспертлар жалб этилади. Улар воқеа жойларида бўлиб, тергов идораларига яқиндан ёрдам беришмаяпти. Айниқса, зўрлаш, қотиллик аломатлари билан топилган мурдалар кўздан кечирилаяптиганда тиббий жиҳатдан етук билим ва зукколик талаб қилинади. Бу эса

жиноятни очишда жуда зарур. Қотилликка хос бўлган жароҳатларни бахтсиз ҳодиса ёки тасодиқ туфайли олинган жароҳатлардан фарқлаб кўрсатиш ички ишлар ва прокуратура ходимлари учун жиноятни зудлик билан очишда ўта муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бундай тезкорлик фақат воқеа жойида экспертнинг дастлабки берган фикри орқали амалга оширилади.

Тезкор эксперт хизмати ходимлари зиммаларидаги вазифаларни имкон қадар бажаришга ҳаракат қилишмаяпти. Аммо айрим муаммолар ҳам борки, улар ўз ечимини кутмоқда. Воқеа жойидан топилган, чириш ҳолатига келиб қолган мурдаларни кўздан кечириш учун махсус кийимлар ажратилса, шаҳар умумий транспортдан бепул фойдаланиш масаласи ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.


Б. Тўрабоева,
олий тоифали тиббёт
ҳамишираси.

КУЯ... ПОРТЛОВЧИ МОДДАНИ ТОПАДИ

Огайо университети ходими Кевин Дэли портловчи моддаларни топишда хашаротлардан фойдаланиш борасида яна бир қадам ташлади. Кевин ва унинг ҳамкасблари куянинг хид сезиш нейронларининг фаолиятини назорат қилиш учун унинг бошига ўта но-зик электродлар ўрнатишди. Бундан ташқари электродлар олимларга хашаротнинг хартурмчалари қандай ишлаётганидан ҳам хабардор қилиб турди.

Маълум бўлишича, куя танлаб олинган хид билан ширали сув исини яши ажрата олар экан. Тадқиқотчилар куя портловчи моддалар хидини топиши мумкин деб умид қилмоқдалар.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ОСИЁДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

Японияда ёғиб ўтган кучли сел сув тошқинига олиб келди. Энг йирик хисобланган Хонсю оролининг ғарбий қирғоқларидаги бир неча тўғонлар бузилган. Мурамацу шаҳри яқинидаги катта дамба шикастланиб, аҳоли яшаш пунктларини сув босиш хавфи туғилган. Ўтган кеча-кундуз давомида Токио шаҳрида кучли ёмғир ёғди.

Мамлакат ҳукумати вакилининг айтишича, Ниигата ҳудудида бир кекса киши ўлган, икки киши эса бедарак йўқолган. Сув тошқини ва кўчиқлар оқибатида бир неча йўлларда ҳаракат издан чиққан. Офат рўй берган ҳудудлардан 5 минг нафар кишини тезда кўчиришга киришилди. Кучли ёмғир тўхтамайдиган бўлса, яна уч минг кишини бошқа жойга кўчириш режалаштириляпти.

Кучли сел, дарёлар тошиши Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Непал ва Бангладеш каби давлатларида ҳам кузатиляпти. Табиий офатдан миллионлаб кишилар азият

чекмоқда. Бангладеш ҳудудининг деярли тўртдан уч қисми сув остида қолган. Бу 1988 йилда рўй берган тошқиндан ҳам даҳшатлироқдир.



Ўшанда мамлакатнинг учдан икки қисми тошқиндан зарар кўрганди.

Ҳиндистондаги Ганг дарёсининг бош ирмоғи Брахмапутра дарёси ҳам тошиб, юзга яқин кишининг ҳалок бўлишига олиб келди. Мамлакат матбуоти табиий офат туфайли қарийб 200 млн АҚШ доллари миқдоридан зарар етганини хабар қилди.

Сув тошқини туфайли Хитойда уч юзга яқин киши ҳалок бўлган, 130 мингдан ортиқ уй вайрон бўлиб, 33 миллион одам жабрланган. Непал пойтахти Катманду ташқи оламдан узилиб қолган, ҳалок бўлганлар сони 46 нафарга етган.


ИҚТИСОДИЁТГА ЗАРБА БЕРИШМОҚЧИ

“Ал-Қоида” террорчиларининг навбатдаги нишони АҚШнинг Уолл Стритт ёки бошқа ишбилармонлар фаоллари маркази бўлиши мумкин. Террорчиларнинг мақсади ва тайёргарлик кўраётгани ҳақида АҚШ махсус хизмати ходимлари телефон сўзлашувларини эшитта туриб билиб олдилар. Миллий хавфсизлик вазирлиги раҳбари Том Риж ўтган ҳафтада террорчилик ҳаракатининг хавфи тўғрисида гапирган эди. Унинг айтишича, “Ал-Қоида” АҚШда президентлик сайловини барбод этишга уринаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

ҚОРА ОЛТИН МАКОНИ ПОРТЛАТИБ ЮБОРИЛДИ

Ироқнинг Байжи шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводи аланга ичида қолди. Кучли ёнғин корхона ёнидан ўтган йўл четида қўлбола минанинг портлаши оқибатида келиб чиққан. Гувоҳларнинг айтишича, бир автомобиль портлашдан парчаланиб, сочилиб кетган. Ҳозирча қурбонлар ва жарбланганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Кейинги пайтда жангарилар тез-тез нефть қувурларини ишдан чиқаришга уринишляпти. Кейинги ўн кун ичида мамлакатнинг асосий нефть ва газ қувурлари портлатилган. Бир неча марта содир бўлган портлашлар мамлакатнинг нефть экспортини сезиларли даражада камайишига олиб келди. Кўрилган иқтисодий зарар 200 минг АҚШ долларидадан ошиб кетди.



АЛП ТОҒЛАРИДА ЗИЛЗИЛА

Бу кўҳна тоғ ҳудудида кучли зилзила содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балл силкиниш қайд этилди. Табиий офат туфайли Словенияда икки киши ҳалок бўлган. Тоғ тошлари кўчиб, бир неча автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтаб қолди. Ер ости силкиниши, шунингдек, Австриянинг жанубида ва Хорватиянинг бир қатор ҳудудларида қайд этилди. Ўнлаб аҳоли яшаш пунктлари сув ва электр қувватисиз қолди. Греция ва Италиянинг шимол-шарқий туманларида ҳам зилзила юз берди. Жабрланганлар ва вайронагарчиликлар йўқ.



ҚИСҚА САТРЛАРДА


Сешанба кунини Усома бин Лоденнинг сафдошларидан бири Ҳамид ал-Ҳарби Саудия Арабистони ҳукуматида мамлакатнинг Техрондаги элчихонасида таслим бўлди. У, шунингдек, Абу Сулаймон ал-Мақки номи билан ҳам машҳур бўлиб, бир неча йил Эрон-Афғонистон чегарасида яшириниб юрганди. Ал-Ҳарби шол касалига мубтало бўлиб, аравада юрарди. Ал-Ҳарби Саудия Арабистонидан кидириляётган 26 террорчи рўйхатидан ўрин олган.

Ироқ пойтахтида ўтказилган махсус тадбир чоғида қотиллик, одам ўғирлаш каби жиноятларни содир этишда гумон қилинган 525 киши ушланди. Ушбу тадбир Ироқ полициячилари томонидан хорижий ҳарбийларни жалб этмаган ҳолда амалга оширилди. Мамлакат ИИВ вакилининг хабар беришича, қўлга олинганларнинг кўпчилиги Саддам Ҳусайн камқоналардан бўшатган ўта хавфли жиноятчилардир.

ПОЕЗД ТАГИДА ГРАНАТА

Москвадан Тюменга жўнаётган поезд тагига номаълум кишилар граната қўйиб кетишган. Шаҳар ИИББ ахборот бошқармасидан хабар қилишларича, ички ишлар ходимлари Николаевск бекатида турган поезднинг ресторан вағони тагига бир-бирига боғлаб қўйилган 3 дона РГД ва битта Ф-1 гранаталари топишди. Бекат зудлик билан милиция ходимлари томонидан ўраб олинди, вагон поезддан ажратилиб, хавфсиз жойга олиб кетилди. Портловчи воситалар зарарсизлантирилди.

Аниқланишича, тўртта гранатаниннг ҳеч бирига портлатиш ускунаси қўйилмаган. Сапёрлар жанговар қуроолларни хавфсиз жойга олиб кетдилар. Текширув ишлари билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шуғулланмоқдалар.



ҚОТИЛ ФИЛНИНГ ОЁҚ ИЗЛАРИ ОЛИНДИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ОИТС муаммолари бўйича 15-халқаро анжуманнинг очилиш маросими пайтида бир киши ҳалок бўлган. Кўпчилик бу ҳодисага фил айбдор деб ҳисобляпти. Полициячилар аниқлик киритиш учун улкан жонивор оёқ изларининг суратини олди. Марҳумнинг акаси қотилликда айнан ана шу жониворни айбламоқда. Бироқ анжуман ташкилотчиси эса Исқандар Зулқарнайн ҳақидаги фильмда суратта тушган бу филнинг айби йўқлиги, у одамни бошқа фил босиб олганини айтмоқда. Ҳуқуқ-тартибот қотилликда айнан ана шу жониворнинг иштирокисиз ўтмайди.

Бу мамлакатда фил оёғи остида қолиб ўлганлар тез-тез учраб туради.



Таклиф, мулоҳаза, мунозара

МАРАФОН ТАШКИЛ ЭТИЛСА

Асли самарқандликман. Тўрт фарзандим, тўққиз нафар ширинданшакар набираларим бор. Йигирма йилга яқин ички ишлар идораларида ишлаб, нафақага чиқдим. Меҳнат фаолиятим даврида кўп дардларга чалиндим, қаратмаган шифокорларим қолмади. Кейин дўстлар маслаҳатига амал қилиб югуриш спорти билан шуғуллана бошладим. Уч йил давомида Москвада

ўтказилган Бутунжаҳон югуриш марафонидан қатнашдим. 1996 йил октябрь ойида эса Соҳибқирон Амир Темуриш Валлудининг 660 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан ташкил этилган югуриш мусобақасида иштирок этдим. Ҳозирги кунда саломатлигим жойида. Келгусида 10000 метрлик марсофага югуриш ниятим

бор. Республикамиз мустақилликка эришгач, қанчадан-қанча маблағ спортни ривожлантиришга сарфланмоқда. Иқтидорли ёшларимиз чет элларга бориб, совринлар олиб келишяпти. Боз устига, Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон югурувчилар марафони ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, бу билан тарихий обидалари орқали жаҳонга донг таратган Самарқанд марафончилар шаҳрига ҳам айланса, Амир Темуриш ва бошқа азиз авлиёларнинг руҳини шод этардик.

Қудрат БЕРДИЕВ.

КИМНИ АЙБЛАЙСИЗ?

Бошқармага бир фуқаро номидан келган мактуб, аниқроғи, шикоят хати қўлимга қалам, қозғоқ олиб, кўлдан бери кўнглимга тугиб қўйган гапларни ёзишга ундади. Муаллиф йўлпатруль хизмати ходимларининг автомашина, автобусларни беҳуда текшириб, кўпчиликнинг вақтини олаётгани, ҳатто ҳайдовчилардан пул талаб қилаётганини тилга олиб ўтган. Ана шундай қондабузарлик, муаллиф айтмоқчи, "қонунбузарлик" қилган ЙПХ ходимининг исми-шарифи аниқ кўрсатилмагани учун бирор чора-тадбир кўришининг иложи бўлмади. Бироқ шу ўринда кейинги бир-икки ой ичида айнан Тошкент-Термиз йўлининг биз назорат қилаётган Жиззах вилояти ҳудудида рўй берган икки воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Май ойининг ўрталари эди. "Манас" ЙПХ масканида турганлардан хабар олгани боргандим. Автомашиналар текшириб ўтказилляпти. Узоқдан "Икарус" русумли автобус кела бошлади. Уни қузатсангиз чайқалиши худди маст одамни эслатарди. Ходимларга ҳушёр бўлишни тайинлаб, автобус келишини кутиб турдим. Машина яқинлашганда тўхташ ишораси берилди. Автобус 70-80 метрлар ўтиб секин тўхтади. Бирор ноқонуний товар олиб кетаётганмикин, деган хаёлга бордим. Текширгани бораётгандик ҳайдовчининг ўзи чолиб келди.

— Ўртоқ командир, машинанинг тормози ишламай қолди, — деди у шошиб.

— Нега чайқалиб келяпсиз? — сўрадим ундан.

— Руль ҳам чатоқроқ, — деди ҳайдовчи тан олиб.

— Автобус тўла одамни носоз машинада олиб кетаяпсизми?

Ҳайдовчи нима дейшини билмай бош эгди. Машинага яқинлашдик. Ҳайдовчи югуриб салонга чиқиб бир нималар деди. Автобус ичидан тўрт-беш нафар аёл тушиб келиб, бир-бирига гал бермай бақира бошлашди:

— Бекордан бекорга нега тўхтатасизлар?

— Ҳайдовчиларни намуна қийнайсизлар?

— Тирикчилик қилгани кўяйсизларми, йўқми?

— ...?

Уларни аранг тўхтатдим.

— Худо хайринларни берсин, тинч-омон бола-чақангиз олдиға боришни истайсизми? Автобус бузуқ, сезмадинларми, маст одамдек чайқалиб келишини? — дедим. — Бу аҳволда ё ағдарилиб кетади, ё бирор жойга урилади.

Ҳайдовчи аввалига гудраниб турди-да, кейин йўловчиларга юзланиб вазиятни тушунтирди.

— Нима қилай, машина йўлда бузилди, етиб борсак керак деб келавердим.

Йўловчилар автобусдан тушишаркан, машинанинг бузилганига гўё милиция ходимлари айбдордай, бизга норози бўлиб қараб қўйишарди.

Иккинчи воқеа ҳам ана шу йўлда содир бўлди. Бухоро шаҳридан келаётган автобус бизда шубҳа уйғотди. Унга оғир юк ортгани сезилиб турарди. Автобусни тўхташиб салонга чиқсам, йўловчи сийрак. Тажрибадан маълумки, бундай ҳолатда машинада ўғринча юк бўлади. Шубҳамиз ўринлими, йўқми аниқлаш мақсадида текширувни бошладик. Ҳайдовчи аввалига индамай турди, кейин бирдан салонга чиқиб:

— Нега индамай ўтирибсизлар, ҳар қадамда текшираверса, манзилга қачон етиб борамиз? — деди йўловчиларга.

Одатдагидек уч-тўрт аёл тушиб келиб, жанжал бошлашди:

— Кўчага ҳўжайинман деб, тўхтатаверасизларми?

— Роса безор қилдиларингиз-ку, бизни.

— ...

Шу пайт ходимларимиздан бири машинага рангли металл яширилганини аниқлади. Улар шунчаки темир парчалари эмас, симёғочдан қирқиб олинганми ёки ердан кавлаб олинганми, унча кўп ишлатилмаган алюминий ва мис

симлар эди. Бир ўлчамда қирқиб, боғлаб қўйишибди.

— Ким юклаганидан хабарим йўқ, — деди ҳайдовчи кўзини чақчайтириб.

— Ука, салкам бир тонна металл рўзгорхалтага жо бўладиган кичкина нарсами, кўрмай қолсангиз? — дедим.

Қоида бўйича автобусни вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига олиб борадиган бўлдик. Йўловчилар норозилик билдиришди. Лекин наилож, қондабузарлик белгиланган тартибда суриштирилиб, айбдорга нисбатан чора кўрилиши лозим.

Пўрим кийинган, қўлида папка ушлаган бир киши бизга юзланиб:

— Мен депутатман, сизлар йўловчиларни қийнайсизлар, — деди.

— Депутат бўлсангиз, одамларга тушунтиринг, металл шундоқ ҳам ўзимизга зарур бўлиб турганда, ризқимизни қийиб ўғирлаб кетишяпти. Мана бу симлар кечагина ёруғлик бераётганди-ку. Шундай эмасми?

У саволимга жавоб бермай нари кетди.

Қирқиб олинган симларни айнан жанжал бошлаган аёллар олиб кетишяётгани маълум бўлди. Йўловчиларни бошқа автобусларга жойлаштириб жўнатиб юбордик. Айбдорларга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Бу воқеалар онда-сонда эмас, тез-тез учраб туришини айтиб ўтмоқчиман. Қишнинг изгирили кунларида, баҳор ёмғири-ю, ёзнинг жазирама офтобида постда туриб машиналарни текшириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш жўн иш эмас, албатта. Кўплаб ноқонуний товар-моддий бойликлар, гиёҳвандлик моддаларини республикамиздан ташқарига олиб кетаётганлар ёки олиб келаётганларнинг аксарияти ЙПХ масканларида аниқланиб, қўлга олинапти. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ходимларимиз автомашиналарни ҳавасга тўхтатаётганлари йўқ. Тўғри, улар орасида кўпол муомала қиладиган, қонунбузарликка йўл қўядиганлари ҳам топилади. Аммо бундай ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилмоқда.

Вилоятлараро йўналишда йўловчи ташиётган шахсий автобус ҳайдовчиларининг қонунбузарлик қилиб, айбни ёпиш учун ЙПХ ходимларига тўхтатилишдан ҳам тойишмаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Айнан бирор айби борлари ҳар қандай йўл билан бўлса-да, вазиятдан чиқишга ҳаракат қилишяпти.

Агар биз мутлақо носоз автобусни қўйиб юборганимизда ҳалокатга учраши табиий эди. Бунинг учун жавобгар ҳам топилар, аммо ҳалокат натижасида кишилар ҳаётига зарар етса, уни тўғрилаб бўлмайди-ку. Рангли металл парчасини пуллашга шошаётган аёлларнинг хонадонидан бир-икки кун чироқ ёнмаса, қандай аҳволга тушишаркин?

Ёзганларимни ўқиганлар қандай мулоҳаза қиладилар, билмадим. Ҳар ҳолда бефарқ бўлмайдилар, деган умиддаман.

Шавкат МИРЖАЛИЛОВ,
Жиззах вилояти ИИБ ЙПХБ отряди
сардорининг ўринбосари,
милиция капитани.

ЙЎЛ ВА ЙЎЛОВЧИ

Жамоат транспорти узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилади. Кейинги йилларда мамлакатимизга "Мерседес-Бенц" русумли автобусларнинг келтирилиши, қолаверса, "ЎзДЭУавто" ва "ЎзОтойўл" автомобиль корхоналарининг ишга туширилиши транспортдаги кўпгина муаммоларни бартараф этди.

Эндиликда бир йўналишнинг ўзида бир нечта русумдаги автобус, микроавтобуслар хизмат кўрсатмоқда. Йўлларимиз-чи? Бугунги кунда асосий йўлларнинг кўпчилиги қайта таъмирланди. Жаҳон стандартлари даражасида бўлмаса-да, ҳар қалай, аввалгидан анча яхши. Лекин ҳамма кўчаларимизни ҳам мактагудек деб бўлмайди. Асосий йўлдан четга чиқсангиз ёки маҳаллага кирсангиз, албатта ўйдим-чуқурликларга дуч келасиз. Истаган шаҳар ёки қишлоққа борсангиз, гапимнинг исботини топишингиз мумкин.

Биз қаламга олмоқчи бўлган мавзу эса жамоат транспорти хусусида. Бундан ўн-ўн беш йил аввал қирақашларнинг йўловчи талашиб, бир-бирлари билан ғижиллашини тасаввур қилиб бўлмасди. Аммо бари бир муаммо ҳали бутунлай ҳал этилгани йўқ. Ҳар кун эрталаб уйимиздан чиқибок шаҳарнинг тирбанд автобусларига осилиб кетишимизга тўғри келади. Ҳеч бир спорт беллашувидан қолишмайдиган ур-сур ичида транспортга чиқиб олгач, бироз нафас ростлашга уринамиз. Қаёқда, хиёл ўтмай:

— Дарров йўл ҳақини тўлаб қўйинглар, — дейди чиптачи.

Чўнтагингиздан амаллаб пулни оласиз-у йўлқирани тўлайсиз. Аммо чипта сўрашга андиша қиласиз. Камина кўпинча Чорсу-Келес йўналишидаги автобусларга чиқаман. Йўлда автобус кўп, буниси яхши. Бироқ улардаги сўлоқмондай

чиптачи йигитлар салон оралаб ўтирмай (чунки тирбанд) фақат тушаётган йўловчидан йўл ҳақини олаверади.

Ҳўш, улар ҳақиқатан автокорхона ходими ёки ҳайдовчининг ўзи ёллаб олган ишчисими? Буёғи энди номаълум. Шуниси ҳам борки, автобусларда баъзан қария ёки ногиронлар пенсия дафтarchасини кўрсатиб қолишса, "Автобусимиз хусусий, ойлик чипталар ва гувоҳномалар ўтмайди!" деган писандани эшитасиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани ўртага ташлаш жоиз. Зеро, бу йўловчилар ҳаётининг хавфсизлиги билан боғлиқ. Рақобат шароитида ҳайдовчилар йўловчилардан тушадиган пулни қизганиб, баъзан бир-бирлари билан "пойга" ўйнашади. "Қассобга мой қайғуси, эчкига жон қайғуси", деганлари шу бўлса керак-да. "Ишқилиб, манзилга эсон-омон етиб олай", дейсиз юракни чангаллаб.

Бевосита шаҳар ичидаги автобусларга келсак, бу ерда ҳам аҳвол шу. Айниқса, эрталаб ёки кечки пайт бир хил манзарага дуч келасиз.

— Қани, ўртароқ сурилинглар, салон бўш-ку! — дея жаврайди чиптачи аёл. Ваҳоланки, салоннинг ўртаси ҳам йўловчи билан тирбанд.

Йўл ҳақи ошган куннинг эртаси эди. Юнусобод — ТошМИ йўналишида қатнайдиган 82-тезювар автобусига чиқиб қолдим. Уч-тўрт бекат орасида чиптачи аёл бирталай пенсионер ва ногиронлар билан жиқиллашиб олди. Маълум бўлишича, улар кира ҳақининг элик фоизини беришган. Лекин чиптачи бундан норози. Унинг талабига бу йўловчилар ойлик чипта олишлари ёки йўл ҳақини юз фоиз тўлашлари керак. Хуллас, жанжалга ҳайдовчи аралашди...

Бизда ҳайдовчи ва йўловчи ўртасидаги муомала маданияти ҳам кўнгилдагидек эмас. Эрталаб ишга кетарканмиз, албатта идора юмушларини ўйлаш билан банд бўламиз. Кечки пайт эса ишдан ҳориб уйга қайтамиз. Бундай ҳолларда ортиқча гап-сўз ҳеч кимга ёқмайди. Шу боис, истаб-истамай автобусларда даҳанаки жангланинг гувоҳи бўлишимизга тўғри келади. Тўғри, сиз уришмаяпсиз, лекин ёнингиздагиларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқаётгани пешонангизни тириштиради. Ҳар кун ўн-ўн беш дақиқа, борингки, ярим-бир соат йўловчи макомини олар эканмиз, ўзаро хушмуомала бўлиб, бир-биримиздан меҳр-оқибатни дариг тутмайлик.

Шукрулло ПАРПИЕВ.



Сиз суратларда кўриб турган ушбу нохуш манзаралар пойтахтимизнинг қайси ҳудудида эканлигини биласизми? Жумбоқли суратлар муаллифи Абубакр КЕНЖАЕВ.

Милиция ва жамоатчилик

... Серикбой Жуматаевнинг болалиги оғир уруш йилларида тўғри келди. У воёга етгунча ҳаёт синовларидан ўтиб, чиникди. Ўрта мактабни тугатган Серикбой ота-онасидан фотиҳа олиб, ички ишлар идорасига хизматга кирди.

Ўзининг ғайрат-шижоати, меҳнатсеварлиги билан тез орада касбдошлари орасида иззат-хурматга сазовор бўлди. У фидойилиги, касб маҳорати туфайли хизмат пиллапояларидан дадил кўтарилиб борди: оддий тезкор ходимликдан янги ташкил этилган Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, кейинроқ республика ИИБ Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари каби лавозимларда ишлади. Жиноят-қидирув соҳасида обрў-эътибор топди. Ўз фаолияти

давомида қатор орден ва медаллар, "Республикада хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвони билан тақдирланди.

Истеъфодаги милиция полковниги С. Жуматаев ҳалигача ўз бурчини унутмайди. Касбдошлари

КАСБИГА СОДИҚ ИНСОН

нинг ташвиши билан яшаб, керак бўлганда, улардан ўз ёрдами аямайди.

Жорий йилнинг май ойида ИИБ Марказий госпиталида даволанаётган Серикбой бир неча бемор билан суҳбатлашиб ўтирарди. Шунда улардан бири:

— Кечаси стол устига соатимни қўйгандим. Эрталаб туриб, тополмадим, — деб қолди.

— Орамизда қўли эгри кишилар бор

шекилли, — деди бошқа бир бемор. — Мен ҳам икки кун олдин худди шу тарзда соатимни йўқотдим.

Бу гапдан кўнглига ғашлик тушган Серикбой ҳаёлан нималарнидир режалаштирди, лекин дилидаги гапни бировга айтмади.

Қоронғу тушиб, беморлар бирин-кетин уйқуга кетишди. Жимлик ҳукм сураётган хонада ўзини уйқуга солиб, аслида хушёр ётган Серикбой эшик аста очилганини сезиб, оҳиста ўрнидан турди. Аввал хонани, кейин ташқарига чиқиб, йўлакни кўздан кечирди. Шарпасиз юриб, ошхонага кирди. У ерни ҳам синчиклаб қараб чиқаётганида музлаткичнинг ёнбошидан

кўриниб турган оёққа кўзи тушди. Бориб, тор жойга тикилиб олган йигитни кўрган Серикбой уни тортиб, чиқарди. Йигит тунда "ов" қилиб юрган экан. У ўғирлашга улургани — телевизор пультамини Серикбойга узатди.


Шундан сўнг барча қилмишларини тан олди. Йўқолган буюмлари топилган беморлар Ю. Зокиров ва А. Илҳомовлар ҳамда госпиталь раҳбарияти кекса, тажрибали изкувар Серикбой Жуматаевга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Бугунги кунда у кишининг икки ўғли ота касбини танлаган. Улар республикамизда осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Отамурод МУҲАММАДИЕВ,
истеъфодаги милиция генерал-майори.

МАҲОРАТИ ОШМОҚДА

Улуғбек Раҳматов Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизматида хизмат қилади. Яқинда у Россия Федерациясининг Ростов шаҳридаги "Кинолог ходимлар ва хизмат итларини тайёрлаш мактаби" да махсус тайёргарликдан ўтиб, ўқув курсини яхши баҳоларга тамомлаб қайтди.



— Кинолог ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш, билим савияларини юксалтиришга жиддий аҳамият қаратилмоқда, — дейди бошқарма ППХ ва ЖТСБ хизмат итлари питомниги бошлиғи, милиция майори Сафар Улуғов. — Бу эса хизматда яхши натижалар берапти. Вилоят ИИБ томонидан ўтказилаётган "Арсенал", "Қидирув", "Спитамен", "Антитеррор" ва "Тозалаш" каби тадбирларда ходимларимиз ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан фаол иштирок этишмоқда. Айниқса, ўғирлик, талончилик, гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларни тезда фош этишда хизмат итларидан самарали фойдаланилмоқда.

Суратда: бошқарма ППХ ва ЖТСБ хизмат итлари питомниги инструктор-кинологи, милиция кичик сержанти Улуғбек Раҳматов "Тигран" лақабли хизмат ити билан.

Нигора РАҲИМОВА,
Навоий вилояти.

ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошпўлат Одидов қарийб ўттиз беш йил ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилди. Оддий милиционерликдан туман ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Айни пайтда истеъфодаги милиция полковниги Тошпўлат Одидов нафақада. Лекин у бекор ўтиргани йўқ. Китоб шаҳридаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Баҳорда юз берган кўпорувчилик ҳаракатлари маҳалламиз аҳлининг ҳам қаҳр-ғазабини келтирди, — дейди Т. Одидов. — Ана шу воқеалардан кейин огоҳликка эътибор янада кучайтирилди. Корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида йиғилишлар ўтказиб, ҳар бир фуқаронинг масъулиятини янада ошириш тадбирлари белгиланди. Айниқса, паспорт тартиботига амал қилинишига катта эътибор берилаяпти. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тунги гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Бу борада профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нозим Луқмонов, маҳалла посбони Абдурайим Раҳмоновларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ҳам кўпгина ишлар амалга оширилаяпти. Нафақага чиққан ҳамда бо-



қувчисини йўқотган фуқароларнинг хонадонига бориб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Тумандаги 5-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан ҳам ҳаммиша хабар олиб турибмиз.

Дарҳақиқат, умрининг энг фаол қисмини осойишталик йўлига бахшида этган инсонларнинг нафақага чиққач, маҳаллаларга бош бўлиши айни муддао бўлмоқда. Тошпўлат Одидов ҳам "Гулистон" маҳалласини ички ишлар идораларида ишлаб юрган чоғларидаёқ яхши ўрганганди. Айни кунда унинг иш тажрибалари маҳалла тинчлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Ҳусан РАҲМОНОВ.

Суратда: Т. Одидов (ўнгдан учинчи) бошчилигидаги "Гулистон" маҳалласи фаоллари туман ички ишлар бўлими раҳбарияти билан ўзаро суҳбатда.

«Қорадори-2004»

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилаётган "Қорадори-2004" тадбири давомида таркибда гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни ноқонуний ҳолда экиб, ўстирувчи кимсаларнинг кирдикорлари фош этилмоқда.

Ҳазорасп тумани ИИБ ходимлари "Дўстлик" ширкат хўжалигида яшовчи, 77 ёшни қаршилаган Э. Анезининг ўз томорқасига 1157 туп кўкнори ўсимлиги экканини аниқлашди. "Кўшни қўшнидан эрта туришни ўрганар" деганларидек, унинг ҳамқишлоқлари Ю. Сўнажон ва 1933 йилда

туғилган Э. Шокирлар ҳам ана шундай ножўя ишга қўл урганлар.

Халқимиз азалдан қарияларни эъзозлашади. Ёшлар ҳаёт тажрибасини катталардан ўрганишга уринадилар. Бироқ юқорида номлари қайд этилган отахон ва онахонлар барчага ўрнак кўрсатиш ўрнига

ўзлари қонун бузилишига йўл қўйишганини ҳеч оқлаб бўлмайдилар.

Шу пайтгача оғуфурушлардан салкам 13 килограмм захри қотил олинди, йўқ қилинди. 270 кишига нисбатан жиноий иш кўзгатилади. Ачинарлиси, уларнинг 57 нафарини она деган улуғ номга доғ тушираётган аёллар

ташкил этади. Бундай қабих ишга тўрт ўқитувчининг қўл ургангани эса сира оқлаб бўлмайдилар.

Хоразм вилояти ва Ҳазорасп тумани ИИБлари тезкор вакиллари ўтказган тезкор тадбирлар натижасида "Ҳазорасп" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаронинг уйида 600 граммга яқин ге-

роин ва қорадори сақланаётгани аниқланди. Тезкор тадбир давомида шу ширкат хўжалигида яшовчи яна бир аёлнинг ушбу жиноий ишга алоқадорлиги аниқланиб, унинг уйдан 150 граммга яқин героин ашёвий далил сифатида олинди.

Элни захарлашга уринаётганлар бундай жиноий хатти-ҳаракатлари билан узоққа боролмайдилар. Улар қилмишлари учун қонун олдида албатта жавоб беришади. "Қорадори-2004" тадбири эса давом этмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
ички хизмат майори.

ҚОНУНБУЗАР АРИЯЛАР



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

OLAM

Филиппинлик хилерлар (тигсиз жарроҳлик қилувчи табиблар)нинг ноёб қобилияти сирини ҳатто уларнинг ўзи ҳам охиригача ўрганиб бўлишмаган. Багио шахрида Филиппин хилерлари уюшмасининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди. Унда битта савол қизгин муҳокама қилинди. Яъни ҳозирги замон кишилари 150, ҳатто 200 йил яшай оладиларми? Бунга нималар тўсиқ бўляпти?

ҲАВО ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА

— Агар қадимги китоблар, жумладан, Тавротдаги кўплаб маълумотларга этибор берсак, беш минг йил аввал кишилар бемалол икки юз ёшгача яшганларининг гувоҳи бўламиз, — дейди профессор Хосе Альварес. — Масалан, Иброҳим аллохиссаломнинг умр йўлдоши Сора 65 ёшида жуда гўзаллашган ва унга фиръавн ошиқ бўлиб қолган. Лашкарбоши Олофернинг бошини айлантирган жувон Юдиф эса 70 ёшда бўлган. Бизнинг даврда бу ёшдаги киши анча кексайиб қолишининг сабаби нимада? Агарда қариш жараёнлари ҳозиргидек суръатда давом этаверса, унда инсоният истикболи ҳақиқатдан ҳам узоқ келажакда ҳавас қиларли бўлмайди. Беш минг йил мобайнида яшаш давомийлиги 2-3 баробар камайди. Балки, 7004 йиларга келиб кексалик... 25 ёшда бошланар!

Хилерлар анжуманида деярли ҳамма бу ҳол нега рўй бериши бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди. Авваламбор, шифокорлар ... ҳавони айбдор

керак. Бунинг натижасида у тезроқ чарчаб, ишдан чиқади. Кўз беш юз барабар кўпроқ (кучлироқмас) кўради, қулоқлар эса ундан- да ортиқ эшитилади. Чунки илгари ҳозиргидек рок-музиқа ёки самолёт шовқини каби хилма-хил товушлар бўлмаган. Одамлар

улар. Инсон учун ҳозирги хилерлик ёшартириш операциялари энг кучли гипноз ҳисобланади. Бунда унинг юз ва бўйин териси қайноқ сут билан артилади. Шундай қилинса, баданда куйиш излари қолмайди. Аммо бу услуб ҳаётни узайтирмайди, фақат ташқи қиёфа-

Мақтабда аълочи ўқувчилардан бири бўлган Мамасолидан отасининг умидлари катта эди: “Биз онаси билан нима кўрдик? Шу ўғлим дунё кўрсин. Машхур одам бўлсин, биз эса у билан фахрланиб юрайлик...” Шундай ниятлар билан Абдузаффар ака эндигина бошланғич синфни битирган Мамасолини Тошкентга, муסיқа билим юртига олиб келди. Табиатан ҳаракатчан, қийинчиликлардан чўчимайдиган бола билим юртини муваффақиятли битирди. Аммо, у ўзини қанчалик мажбур қилмасин, муסיқага қизиқмади. У доим Автомобиль йўллари қурилиши бўйича муҳандис бўлишни орзу қиларди. Шунинг учун кўлига етуклик шаҳодатномасини олгач, қишлоққа бориб отасига ундан яхши муסיқачи эмас, яхши муҳандис чиқшини тушунтирди. Отадан оқ йўл олиб, Тошкент Автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди. Ўқиш давомида ўз соҳасини мукамал ўрганишга интилди, кураш ва самбо билан жиддий шуғулланди. Ўқишни битириб, ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Икки йил взвод командири бўлиб хизмат қилди. Мана шу хизмат жараёнида ўз тақдирини белгилаб олди. Хизматдан сўнг Самарқанд вилоят ва шаҳар ички ишлар бошқармаларида, кейин Нарпай ва Иштихон туман ички ишлар бўлимларида фаолият кўрсатди.

Милиция подполковниги Мамасоли Қаршиев айна пайтда Самарқанд вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда.



– эр хотинга амр этди.

Жонбуви бундай шафқатсиз эрдан кечса-кечадики, синглисидан, жигаридан асло кечмайди. У эртаси куниек синглисини кўргани борди. Албатта, бундан хабар топган эр хотинини жазолаши тайин. Шафқатсизларча калтакланган Жонбуви

сига маъноли қараб кўйди.

– Биламан, укажон, кетса пул кетибди. Мен жонимни шу пулга сотиб олармидим. Поччангдан яшириб бензин сотиб ортирган пулим бор. Қара, тахмондаги кўрпача орасида турибди. Шуни олиб тур. Айтганимни бажарганин-

қазиб яна бир бор таъинлади.

– Таёқ дарров синиб кетади. Бу синмайди. Кўл-оёғи синмаса, бўлмайди. Тушундиларингми?

Болалар Каримни уйдан чақириб чиқишди.

– Амаки, бензин борми?

Карим бензин олиб чиқди.

– Машинамизнинг бензини тугаб, хув анави ерда ўчиб қолди. Пул ҳам машинада эди.

– Тун ярмида уйқуни ҳаром қилдингларда. Безовта қилганларингга яраша дадилроқ оласанларми ўзи? – Карим уйқуираб, бензин тўлдирилган идиш билан болаларга эргашди.

Уйдан анча узоқлашиб кетган Карим кенг далада кетиб бораётган болалардан аста сўради.

рига бунчалар нафрати кўпроқ қийнарди. Нега бундай бўлди? Бу нарса бўлмаслиги ёки унинг олдини олиш мумкин эди-ку. Бундан Мамасоли ака ўзига хулоса чиқарди: “Демак, биз бундан ҳам яхшироқ ишлашимиз, кўпроқ халқ ичидан бўлишимиз керак экан”.

Хаёллар Мамасоли акани яна ортдаги умр йўлларида чорлайди.

... Иш тугаб, уйга қайтаётган Мамасолининг эътиборини бир аёлнинг қичқириви ўзига тортди. Қараса, баланд бўйли, норғул йигит аёлдан узоқлашиб, қочиб бораяпти. Мамасоли машинада унинг орқасидан қувди. Қочоқ айёрлик билан машина киролмайдиган кўчага бурилди. Мамасоли ҳам машинадан тушиб унинг ортидан югурди. Оралари яқин қолганда ўғри йиқилди. Унинг жуссаси Мамасолиникидан иккита келарди. Бунинг устига унинг спорт билан шуғуллангани, мускулларидан сезилиб турарди. Икки ўртадаги олишув узоқ давом этди. Охири рақибдан энгилган йигит Мамасолига таслим бўлди.

Бу йигит қидирувдаги жиноятчи бўлиб чиқди. Аёлга тилла тақинчоқлари қайтарилди.

Ха, Мамасоли Қаршиев ҳаётида ҳам, хизмат соҳасида ҳам бахтиёр инсон.

У ўз тақдирини ўзи белгилади. Ўзи танлаган йўлда машаққатларни мардона енгиб, обрў-эътибор топди. Меҳрибон ус-тозлар, ишончли дўстлар, меҳроқибатли шогирдлар топди. Ҳаёт йўлида доим суянчиқ бўладиган умр йўлдоши, чала ишларини битирадиган, давом эттирадиган суюкли фарзандлар топди. Ўзига муносиб, олкасида чарақлаб турган “юлдуз”лар топди. Кўнгли эса Ватан ва халқ хизматида ўзини бахшида этганидан таскин, эл-юртдан дуо топди, ўз ишидан, ўз ҳаётидан, тақдирдан миннатдорлик ва фахр топди.

Аслида Мамасоли ака орзу қилган бахт шу эмасми?!

Роҳила СИДДИҚОВА.

МАМАСОЛИ АКА ОРЗУ ҚИЛГАН БАХТ

– Икки ўғил, бир қизнинг отасиман, – дейди Мамасоли Қаршиев, – болаларим ҳам милиция соҳасида ишлашга қизиқишади. Улар бу касбни танлашса, хурсанд бўламан. Негаки, ўғлонлар ўз юртининг осойишталигини, ватан озодлигини, халқининг тинчлиги, хотиржамлигини ҳимоя қилиш учун дунёга келдилар. Аммо, қизим... Очиқ гап, бизнинг ишимиз аёлларга оғирлик қилади. Чарос-менинг ёлғиз қизим. Аммо, фарзандлар орзуси ота-оналарнинг хоҳиш-истаклари билан ҳаммиша ҳам келишавермайди. Ҳаммасини вақт кўрсатади. Болаларим қайси йўлни танлашмасин, ўша йўлда ўзлари орзу қилган, биз орзу қилган бахтни топишсин. Истагим шу. Ўғилларим Жамшид ҳам, Жаҳонгир ҳам спорт билан астойдил шуғулланишмоқда. Улардан кўнглим тўқ. Келажакда касбимни давом эттиришларига ишончим комил. Инсонга бундан катта бахт борми?

Мамасоли Қаршиев ички ишлар тизимидаги салкам 20 йиллик фаолияти давомида қанчадан-қанча жиноятларни очишга муваффақ бўлмади, қанча-қанча давлат ва халқ мулки ўғрилардан тортиб олиниб эгаларига қайтарилмади, дейсиз. Ҳар бир ишни ниҳоясига етказганда у ўзи-

ни қанчалар бахтиёр ҳис қиларди. Янги ишларга янаям катта иштиёқ билан киришарди. Қаерга юборишмасин, қаерда ишламасин, хоҳ шаҳарда, хоҳ вилоят марказида, хоҳ чекка туманларда бўлсин, ўз ишига ҳаммиша масъулия билан ёндошди.

Хаёлга чўмган қаҳрамонимизнинг кўз олдидан баъзи жиноятларнинг фош этилиш тафсилотлари бирма-бир ўта бошлади.

... Эр-хотин жанжали бошланиши билан, хотин эрни қарғашга тушди:

– Илоё, оёқ-қўлинг шол бўлиб қолсин! Бир пиёла сувга етолмай, ўлмасанг, рози эмасман!

Бу қарғишлар эрни бадтар жазавага солар, нафрати мушт бўлиб хотин бошига тушарди. Уларнинг жанжалини ҳам, қарғиш ва калтакларининг ҳам охири кўринмасди.

– Энди синглингни кига ҳам бормаисан, у ер фоҳишахонага айланибди. Агар гапимга кирмасанг, оёғингни уриб синдираман,

ҳаммаёғи маматалоқ бўлиб, зўрга нафас оларди. Аммо қарғашини қўймасди.

– Қўлинг синсин сенгининг, илоё...

– Қулоқсиз хотиннинг жазоси шу! – Эр қилган ишидан хумори ёзилиб ичгани гузарга чиқиб кетди.

– Сенинг жазойингни худонинг ўзи берсин! – Жонбувининг овози яхши чиқмаса ҳам қарғани қолаверди.

Эридан нафратланиб, кўзи қонга тўлиб турган Жонбуви меҳмон бўлиб келган ўғай укаси Қудратга эридан шикоят қилди.

– Укажон, эрим мени бир куни ўлдириб кўяди. Шуни кутиб ўтирмай, уни қўлоёғини синдириб беринглар. Менинг қошқовоғимга қараб мўлтираб турадиган бўлсин. Менга ёрдам бер, укажон... – Жонбуви йиғлаб юборди.

– Йўқ, десанг, опангдан айрилиб қоласан. – Эй, опа, ҳозир ким ҳам бошига бундай ғавғони ортиришни хоҳлайди. Бировни уриб, қўл-оёғини синдиришига ҳеч ким шунчаки рози бўлмайди, – Қудрат опа-

гдан сўнг яна оласан. Бензин бўлса бор. Сотсак, пул-да. Бошим омон бўлса, пулни ўзим топаман, Қудратжон, – Жонбуви синиқ жилмайди.

– Опа, хотиржам бўлинг. Каримнинг сизга кўтарилган қўлини, албатта, синдираман. Энди унинг бармоқларининг учиям сизга тегмайди. Хафа бўлманг, биз бор эканмиз, шундай бўлади.

... Эндигина мактабни битираётган йигитчаларни топиб, ўғай опасидан олган пулга ароқ олиб ичирган Қудрат болалар ўзларини билмайдиган даражага етгунча қўйиб берди. Ҳали спиртли ичимликни оғзига олмаган йигитчалар дарров “шер”га айланишди. Қудратга эргашиб Карим ва Жонбувилар яшайдиган уйга боришди. Уларни уйда кутиб турган Жонбуви эрининг ухлаётганини, бензин сўраб, уни чақириб чиқиш кераклигини, алдаб узоқроққа олиб бориб дўппослаш зарурлигини айтди, Қудратнинг қўлига узун темир тут-

– Нега машиналаринг кўринмайди. Қани у?

– Мана... Мана!

Ичимлик таъсирида одамийлик қиёфасини йўқотган ўсмирлар бири қўйиб, бири Каримни дўппослай кетишди.

Қотиллик ҳақида Иштихон туман ИИБга хабар берилганда, бошлиқ ўринбосари М. Қаршиев қотиллик содир этилган жойга зудлик билан етиб борди. Мурда шу даражада калтакланган эдики, уни таниб бўлмасди. Каримнинг чўнтагидан чиққан укол, дори ёзилган рецепт бўйича танишди. Қўшнилари сўроқ қилинганда, кўпчилик бу ишни унинг хотини Жонбуви қилиши мумкинлигини айтишди.

Узоқ тергов ва суриштирувлардан сўнг қотиллар аниқланиб, жазога тортилди. Аммо, Мамасоли акани бир нарса, инсоннинг нега бу қадар ваҳшийлашиши, бир ёстиққа умид билан бош қўйиб, не-не ниятлар билан фарзандлар улғайтираётган эр-хотиннинг бир-би-

Сиз кутган учрашув



Сир эмас, бугунги кунда Юлдуз Усмонова ўз санъати билан дунё миқёсига чиқди. Бу санъаткор ҳақида мухлислар кўп нарсаларни билгилари келади. Шунинг учун саҳифамизда Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова билан қилинган суҳбатни ҳавола эта-япмиз.

Аёлини ташлаб кўйгандан кўра, унга маҳкам туриб, оилани эркак киши бошқаргани маъқул.

– Ҳозирги ёшларда имконият кенгроқ. Назаримда уларнинг айримлари кўшиқ айтиш учун эмас, пул илинжида куйлаётгандек. Сизни эса текинга концерт берган вақтларингиз бўлган.

– Мен кўплаб ёш санъаткорларни биламан, продюсерлари корхонамакорхона юриб, раҳбарларига учрашишади. “Санъатда ўсаётган қиз ёки йигит”, деб ҳам кўйишади. Барака топгурлар, ҳақиқий санъаткор юз йилда бир туғилади. Пул, мол-давлат билан юл-

Чунки қизи юлдуз бўлиб, онам кўп нарса кўрдилар. Лекин отам бошқа олам. У киши жуда оддий инсон. Ёшлари 78га борган (кўз тегмасин), ерлари бор. Фалла етиштириб, картошка экиб, сотадилар. Мен берган пуллар қизиқтирмайди уларни. Умуман, менинг биринчи тингловчим дадам. У кишига меҳрим бўлакча. Отам-онам мен учун азиз. Умрлари узоқ бўлсин.

– “Постда” газетаси бевосита милиция ҳаёти билан боғлиқ. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида фикрингиз?

– Бизга тинч, осойишта ҳаётни таъминлаб бераётганликлари учун уларга мингдан-миг раҳмат. Агар бир кун милиция бўлмаса, тасаввур қиляпсизми нима бўлишини? Уларни ҳурмат қиламан. Ёзда иссиқ, қишда совуқ демай доимо хизматга шай. Ораларида ўз ишига маъсулиятсизлик билан қарайдиганлари ҳам учраб туради. Ахир «гуруч курмаксиз бўлмайди» дейишадиду.

– Рақобатга қандай қарайсиз?

– Соғлом рақобат бўлса албатта тан оламан.

– Маҳаллий журнал ва газеталаримиздан кўнглингиз тўладими? Нега ёшларимизда чет эл нашрларига мойиллик кўпроқ?

– Чунки уларда қизиқарли маълумотлар кўп. Ўзимизнинг нашрларга келсак кўп изланишлари, ўрганишлари керак. Яхши, талабга жавоб бера оладиган нашрларимиз бор, албатта уларни ҳам ўқиб тураман.

– Ушалмаган орзуингиз борми?

– Аллоҳга шукр, ҳамма орзуларим ушалган. Эндиги орзуим, худо умр берса қариганда юзидан нур ёғилиб турадиган нуроний онахон бўлиш.

– Буви бўлиб бир этак набираларга эртақ айтиб ўтиришни хоҳларингиз?

– Бир этак набираларим мени соғинганда келиб кўриб кетса бўлгани.

– Нимадан кўрқасиз?

– Халқнинг назаридан қолишдан кўрқаман. Худо соғлигим ва умримни берса, фақат ва фақат халқим учун хизмат қиламан.

– “Постда” газетаси ходимлари ва муштарийларига тилақларингиз?

– “Постда” газетаси энг одил газеталардан бири деб ўйлайман. Муштарийларга тилақларим: доимо соғ бўлишсин. Кўшиқ эшитадиган кайфият уларни тарк этмасин.

– Раҳмат, Юлдуз опа, сизга баракали ижод тилаб қоламиз.

Суҳбатдош Мастура ЮНУСОВА.

ЮЛДУЗ

Бўлиб туғилган юлдуз

– Юлдуз опа, яқинда мухташам “Халқлар дўстлиги” саройида янги концерт дастурингиз бўлиб ўтди. Ундан кўнглингиз тўлдими?

– Албатта, дастур мен кутгандан ҳам аъло даражада ўтди. Концертда эътибор бердим, халқ миллий кўшиқларни соғинган экан. Мазза қилиб тинглашди. Миллий кўшиқларимизни ўзимиз яратмасак, биров келиб бунга қўл урмайди. Шундай экан, мен доимо миллийликни биринчи ўринга қўйиб келганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

– Сиз ўзига хос янгилик яратдингиз. Дастурингиз аввалида Куръон тиловат қилинди...

– Ҳа, парда орқасида туриб Куръон сурасини ўқидим. Бу мен ҳам Куръон ўқишни қўйиллатаман, деганим эмас. Биз санъаткорлар эл-юрт хизматида юрамиз. Гоҳида очиқ-сочиқ кийинамиз. Турли гап-сўз, миш-мишлар ҳам айнан биз ҳақимизда бўлади. Лекин бизнинг ҳам дилимизда Аллоҳ бор. Шунинг учун ҳам мен бу сафар Куръондан тиловат қилишга жазм этдим.

– Концертдан сўнг “Юлдуз Умра сафарига бориб, сипо бўлиб қолибди” ёки “Йўғ-ей, кудали бўлиб, сипо тортди” деган гаплар кулоққа чалинди. Шу гапларга изоҳ бериб ўтсангиз.

– Йўқ, Юлдуз сипо бўлиб қолгани йўқ. Ўша чўртке-сарлигим, ўша кўрслигим бор. Фақат одам ёши ўтган сайин кимга гапириш фойда-ю, кимга бефойда эканлигини тушуниб бораркан. Олдинги бўлар-бўлмасга ёниб-тутаб кетадиган ода-тимни кўйдим. Бундан буё-ғига ўзимни авайлашга ҳаракат қиламан.

– Тушкунликка тушганингизда кимга ёки нимага суянасиз?

– Худога, фақат худога.
– Ижодкор севиб-севилиб яшасагина тўлиб-тошиб ижод қила олади. Севги сизнинг тушунчангизда...

– Биласизми, мен шунга амин бўлдимки, ёлғиз яшаш жуда қийин экан, “Ёлғизнинг ёри худо” дейишади. Кучқувватга тўлиб юргангизда ёлғиз яшаш ундан ҳам қийин. Севгисиз яшаб бўлмайди. Ўтмас пичоқ кесмайди, уни чархлаб туриш керак. Севгига ҳам гоҳи-гоҳида рашк билан олов қалаш лозим. Қирпичоқ бўлиб эмас, чиройли рашк қилиш зарур. Сени севганинг қизганса, бировга раво кўрмаса яхши-ку. Рашк бу – севги белгиси. Кимгадир керак бўлиб яшашнинг ўзи бахт.

– Юлдуз опа, сиз қайнона бўлдингиз. Бу сизга қандай масъулият юкледи?

– Ҳеч қандай. Мен ўзимни қайнона деб ҳам ҳис қилаётганим йўқ. Қизим ўзи хоҳлади – турмушга чиқди. Энди ўз аравасини ўзи тортсин. Мен ҳадеб унинг орқасидан боравермайман. Бахтли бўлса, хурсандман. Қизимга моддий ёрдам беришим мумкин, лекин бахтини инсон ўз кўли билан яратади.

– Аёл бўлатуриб кўп гам-ташвишларни бошингиздан кечирдингиз. Қайта туғилиш имконияти бўлганда яна шу йўлингизни танлармингиз?

– Гарчи машаққатли бўлса-да, яна шу йўлни танлардим. Фақат хатоларимни тузатган, уларни такрорламасликка ҳаракат қилган бўлардим.

– Эски кўшиқларингизни халқ жуда соғинган.

Уларни қайта тиклаш ниятингиз борми?

– Уларни мухлислар жуда кўп сўрашапти. Албатта, тиклашга ҳаракат қиламиз.

– Ўйнаб туриб куйлайсиз. Кўпчилик фонограмма деб ўйлайди.

– Тан-сихатлик бўлса, умримнинг охиригача жонли куйлайман. Фонограммада куйлаб халқни эмас, ўзимни алдаган бўламан. Фонограммада концерт берган куним нафақага чиқаман.

– Эркак киши учун аёл ҳамма нарсадан воз кечиши мумкин. Лекин аёл киши ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлса, машхурликка интилса, эркак кўпинча буни хоҳламайди. Ташлаб кетиши ҳам мумкин. Нега шундай?

– Азалдан

эркаклар пул топиб келишган. Аёллар уй юмушлари, болалар тарбияси билан машғул бўлишган.

дуз бўлса, ҳалигача нечаси элга таниларди. Худо берган, юқтирган бўлмаса, қолгани бефойда. Тўғри, мен ўз вақтида ўйингоҳларда бепул концерт берганман. Яратаётган кўшиқларимни халқим тингласа, эшитиб мазза қилса мен учун кифоя.

– Юлдуз опа, энг катта бойлигингиз нима?

– Энг катта бойлигим, бахтим – бу соғлигим ва санъатим.


– Отанангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Сизга отам ҳақида гапиря қолай, майлими?



САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

ШИФОКОР СУРАТГА ҚАРАБ ТАШХИС ҚЎЯДИ



Ботинни кўриш қобилияти экстрасенслар амалиётида оддий ҳол ҳисобланади. Ноёб қобилиятлилар инсоннинг ички аъзолари, улар фаолиятини кўра оладилар. Баъзи олимлар бундай истеъдодни хаёл, уйдирма, дея инкор этадилар. Аммо бундай хислат ҳақиқатан мавжуд бўлиб, уни ўрганиш ва, энг муҳими, илмий жиҳатдан изоҳлаб бериш керак.

Бундай даволовчиларнинг кўпчилиги ички

аъзоларни монитор экранидагидек кўрмай, балки танимиздаги нуқсонларни ҳислари ёрдамида илғаб оладилар. Шу тариқа бундай "рентген-шифокор"лар беморга бир қарашнинг ўзидаёқ ҳеч қандай тахлилларсиз нафақат ташхис қўйиши, балки даволаш усулини аниқлаши ҳам мумкин. Гап шундаки, инсон мияси англаши мумкин бўлганидан анча кўп ахборот қабул қилади. Маълумотлар-

нинг ортиқча қисми эса интуиция (олдиндан сезиш) учун "жавоб берадиган" миянинг кам ўрганилган қисмлари орқали ишлаб чиқилади. Яна гап шундаки, шифокорларнинг кўпчилиги ўз сезгисига таяниб иш кўрмайди, ахир, тиббиёт институтларида уларни бунга ўргатишмаган-да.

Хўш, тажрибали шифокор ва экстрасенсларнинг мияси қандай ахборотни таҳлил қилар экан? Нечогли ғалати бўлмасин, бу

биз кўрадиган, аммо аҳамият бермайдиган нарсадир. Биринчидан, бемор аҳволидаги тушунарсиз ўзгаришларга эътибор беришади. Касаллик бошланишида бемор оғриқни ҳис қилмайди. Аммо хасталикни орқа мия аниқ "рўйхат"-дан ўтказди. Шунда касалликка жавобан киши қоматини бошқарувчи мускуллар ҳамда юз мускуллари таранглашиб, натижада беморнинг аҳволи, юз кўриниши ўзгаради. Шунинг учун баъзан ташхис учун биргина суратнинг ўзи етарли бўлади. Бунинг устига бемор яланғоч ҳам бўлса, унда шифокор тери рангига қараб янада кўпроқ маълумот олиши мумкин. Энг оддий мисол. Турли хил патологияларда майда тери томирлари тораиши (бу ҳолда ранг оқаради) ёки кенгайиши (бунда қизаради) мумкин. Бироқ бошқача туслар бўлиши ҳам эҳтимол бор. Улар махсус компьютер дастури ёрдамида аниқланади. Ушбу дастур беморнинг рақамли камерада олинган рангли тасвири (сурати)ни қайта ишлайди. Артерия ва вена қонлари тақсимоти, майда томирларнинг жойлашишига қараб кишининг қайси аъзоси кўпроқ касалланганини аниқлаш мумкин.

Дилдора НАЗАРОВА.

ДАРД СИЗДАН ҚОЧСИН

Гиёҳвандлик касаллигига дучор бўлган шахсларни асосан шифокор-наркологлар, психиатрлар аниқлайдилар. Лекин бундай шахсларни оддий одамлар ҳам пайқайдими? Уларнинг ўзига хос белгилари нималардан иборат бўлади?


Жуда кўп ҳолатларда оғу қабул қилувчининг бирга турадиган яқинлари, ҳамкасблари унинг юриш-туриши, гап-сўзлари, ўзини тутишида ҳар бир инсон ўрганиб қолган тартиб-қоидага, меъёрга, азалий урф-одатларимизга ёт бўлган ҳаракатларни кузатадилар. Шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман. Гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилувчи ҳар бир инсондаги ўзгаришларни пайқайдиган, ва бундай юриш-туришни танқид қиладиганлар етарли. Аммо кўпчилик бу ҳақда унинг ота-онаси, ака-укаси ёхуд бирор яқинига оғиз очмайди. "Менинг нима ишим бор, билганини қилмайдими" тақлидида иш тутадилар. Бир мутахассис сифатида бундай бефарқликка қаршиман. Бундай ҳолатларда биз албатта аниқ чора кўришимиз керак. Лекин бу "фалончи наркоман бўлиб қолибди" деб тўрт тарафга жар солиш керак дегани эмас. Бирор шахснинг захри қотил қабул қилаётганини билсангиз, ётиги билан шу шахснинг яқин кишига (отаси, онаси, ака-укаси, турмуш ўртоғи) билганларингизни айтиб берсангиз, битта гиёҳванд кўпайишининг олди олинади. Ҳаётда бундай воқеаларга дуч келсангиз ёки маслаҳат керак бўлса ҳеч иккиланмай шифокор-наркологга мурожаат этинг. Чунки бугунги кунда соғлиқни сақлаш муассасаларида гиёҳвандликни аноним (бошқалардан сир тутилган ҳолда) даволаш йўлга қўйилган. Бунда бемордан бирор ҳужжат сўралмайди, у ҳеч бир кузатув, назоратга олинмайди.

Маҳаматжон СОБИРОВ,
ички хизмат подполковниги,
шифокор-нарколог.

КАМЕРАЛИ... ҲАПДОРИ

Шифокорлар мижозни қулай шароитда ва имкон қадар ишдан қолдирмай текшириш устида бош қотиришмоқда. Яқинда инглиз олимлари бунинг уддасидан чиқдилар. Улар оддийсидан деярли фарқ қилмайдиган янги ҳапдори (таблетка) яратишди. Гап шундаки унинг ичига... митти камера ўрнатилган.

Мижоз уни ютиб юборади ва уч кун давомида организмда "саёҳат" қилгунча ҳаёт тарзини давом эттириверади - ўз юмуши билан маш-



ғул бўлади, спорт билан шуғулланади. Кейин эса (ҳапдори ташқарига чиққач) шифокор камерадаги ёзувни компьютерга тушириб кузатади ҳамда керакли ташхисни қўяди.

ИШДАН КЕЙИН НЕГА ҚЎЛ ҚИЧИШАДИ?

Аризона (АҚШ) университети микробиолог Чарльз Жербнинг таъкидлашича, кўпчилик ўзининг асосий вақтини ишхонада, компьютер олдида ўтказар экан. Шундай инсонларнинг аксарияти тери ва ошқозон-ичак касалликларига тез-тез чалиниб ту-

ришаркан. Бунинг сабаби, фойдаланилаётган компьютер клавиатураси ва "сичқонча" ("Мышка") йиллаб ювилмас, тозаланмаслигидандир. Ўтказилган тадқиқотлар ана шу буюмларда ҳожатхонадагидан 400 марта кўп зарарли микрорганизмлар мавжуд-

лигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам ўзимиз фойдаланаётган компьютер жихозларини, ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир марта тозалаб туришимиз зарур. Бунда махсус тозаловчи буюм ва воситалардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎЗ ОЁҒИНИ ЎЗИ КЕСДИ

Спиртли ичимликларни сурункали ичиш оқибатида инсон турли хил касалликларга йўлиқишини шифокорлар бот-бот эслатиб туришади. Ўзини осиб қўйган, сувга гарқ бўлган, тепалиқдан ташлаб юборган кишиларнинг аксариятида вос-вос касаллиги аломатлари қайд этилган.

Новокузнецк шаҳрида яшайдиган К. Петров эса ўз оёғини ўзи кесиб ташлаган. Қизиги шундаки, у бу "жарроҳлик"ни спиртли ичимлик ичмаган, хушёр пайтида бажарган. Руҳшунос шифокорлар унинг соғлом эканлигини қайд этганлар.

— Эрталаб йўлакка чиқсам, — деди қўшнилардан бири, — Костя бир оёқда судралиб юрибди, чап оёғи узилиб тушай деяпти.

Шифокорлар суриштирганларида у беш олти кундан бери ичмаётгани аниқланди.

— Вос-вос касали ("Белая горячка") ичкилик ичавериб, "чегарадан" чиқиб кетгандан кейин пайдо бўлади. Кейин барча қилгуликлар хушёр ҳолда амалга оширилади, — дея таъкидлашди шифокорлар.

Қотмадан келган бу йигит аввалига тез-тез, лекин "хурмачасига сиққунича" ичкилик истеъмол қилган. Уни мажбуран ўз ҳисобидан таътилга чиқариб юборишгандан кейин, аламидан яна роса бўкиб ичади.

— Каравотда ётгандим, — дейди К. Петровнинг ўзи, — ичкиликбозлик эсимдан ҳам чиқиб кетганди. Оёқла-


римга кўзим тушиб, ҳайрон қолдим. Чап оёғим, ўнг оёғимдан ярим метрларча узун эди. Қандай қилиб юрман деб кўрқиб кетдим.

Йигит аввал болга билан уриб, оёқ суякларини... синдиради, сўнгра қайчи билан тиззадан пастини кесади. Маъ-



лум бўлишича, вос-вос касали қўзиганда инсон оғриқ, иссиқ, совуқни сезмай қоларкан...

Хулоса шуки, ҳар нарсанинг меъёри яхши. Айниқса, спиртли ичимликларни камроқ истеъмол қилган маъқул.



Турмуш чорраҳаларида

Хонага кирган аёл эрига ўшқирди:

— Ўрнингни булғаб қўйибсан, чақирсанг ўласанми?

— Қанча чақирдим, келмадинг-ку.

— Меҳмонлар билан бўлиб эшитмабман. Труба-ни урсанг ҳаммаёқни қоматга келтирарди, — деди хотин дераза тавақаларини очиб.

— Трубага қўлим етмади. Аравачага эса чиқолмадим, иложсиз... — гўлдирди эр.

— Бўпти, ҳозир хизматчи аёлни юбораман, ўрнингни тозалаб қўяди. Лекин дамингни чиқарма, меҳмонлар олдида ноқулай аҳволда қоламан, — деди хотин чиқаётиб.

— Яхши. Азамат қачон келади? — шошиб сўради эр.

— Бола билан ишинг бўлмасин! — қайрилиб ўшқирди хотин.

— Ахир қумликда бир ўзи шунча қўйни боқиши осонми? Бола бечора жуда эзилиб кетгандир. У ҳали ёш, раҳминг келсин.

— Ўн иккига кирган бола ёш бўладими? Қадимда бу ёшда одамлар юртга подшолик қилишган. Ачинмай қўяқол, — деди хотин эшикнинг орқасидан қарсиллатиб ёпиб.

— Деразани ҳам ёпиб кет, — бақирди эр.

Эшик қандай ёпилган бўлса шундай очилди-ю, остонада важоҳатли хотин пайдо бўлди.

— Сасингни чиқарма дегандим-ку! — ўдағайлади у.

— Ҳаво салқин экан, азойи баданим увишиб кетди. Илтимос, деразани...

— Баҳорда табиат уйғонади. Кўнгилларда ажиб ҳис жўш уради, — гапини бўлди хотин. Сўнг бир чеккада турган ҳассани олиб, учини эрининг баданига теккизиб, бир-икки айлантди-да, истехзоли кулиб: — Ёки бундай ҳиссиёт сенда ўлиб бўлганми? — деди.

— Устимдан кулма, манжалақи, — дея эр ҳассага қўл югуртирган эди мувозанатини ушлай олмай тўшак устига кулади. Хотини хандон отиб кулганча хонани тарк этди. Азим-жоннинг ўпкаси тўлди, бироқ кўзига ёш келмади. Ёш ҳам қуриб битганди. Ўз ҳолинга ўзинг йиғлашдан қийин нарса бўлмаса керак. Бироздан сўнг хизматчи аёл келиб ўринларни

тозалаб, хонани йиғиштириб кетди. Нафсонияти топталган, хўрланган эр ёстиққа бемажол ёнбошлади. Оҳиста кўзларини юмди. Хотиралар уммонига шўнғиди.

Ўшанда Азим далада ишларди. Бир куни ишдан келаётганида Гофир учраб қолди.

— Қарзимни қайтаролмай хижолат чекиб юрибман, — деди у. — Пул ўрнига мана шу узукни берсам нима дейсиз? Янгам билан маслаҳатлашиб кўринг. Маъқул кўрсалар хўп, бўлмаса қайтариб берарсиз.

Азим уйига келгач, чўнтагидан узукни чиқариб, хотинига кўрсатди.

— Тўйимиз бўлганига қанча бўлди. Сенга эр бўлиб тилла тақинчоқ олиб бермагандим, — деди у.

— Турмушимизнинг ўзи тилла-ку, — табассум қилди Ҳалима. — Яхшиси бунни сотиб, Азаматнинг тўйига тайёргарлик кўриб қўяйлик. Кузнинг охирларида биз ҳам ўғлимизнинг суннат тўйини қиламиз.

— Тўй қиламан деганга худонинг ўзи етказди. Ажаб эмас унганча қўлимизга ҳақкалар у-бу нарса ташлаб кетишса, — мийғида кулди Азим.

Ҳалима эрим хафа бўлмасин деб узукни тақиб, қўшненикига тўйга чиқди.

Остона ҳатлаши билан аёллардан бири баланд овозда бақирди.

— Ҳалимаҳонга хизмат борми?

— Вақтида келган қўш-нижонимдан ўзим айланай, — Жамила опанинг ўзи унга пешвоз чиқиб, кучоқлашиб кўришди. — Қизим, айбга буюрмайсиз, дарров хизмат буюраёпти деб.

— Хизматни шундай кунда қилмасак, қачон

қиламиз, — кулди Ҳалима.

— Раҳмат, кам бўлманг, қизим. Илоё сизниям шундай кунларга етказсин. Сиз тўғри ошхонага ўтинг. Сув қайнатгичда қизиб турган сувни олинг-да, хамир қориётган хотинлар ёнига кириб.

Ҳалима ошхонага кирганида сабзи тўғраб ўтирган

ҳомила ўлик туғилган. Аёл қўшни тумандан, борадиган жойи йўқ. Сен унга уйлан, — дейишди улар.

Шу тариқа Азим ўзидан ўн уч ёш кичик Сайёрани хотинликка олди. Беш йил яхши яшади. Сайёра "юк" кўтармади. Азим кейинги пайтда хотини билан муносабатларда аввал-

майдиган бўлди. Фақат пахтани бегона ўтлардан тозалашда, териб, гўзапоясини йиғиб олишда ёрдам берсаларинг бўлгани деди. Бу одамлар учун жуда қулай, манфаатли бўлди. Чунки ҳар бир оила ўтоқ қилган пахтанинг гўзапоясини эртага ўзи олади. Пахтасини терса ҳамёнга пул тушади. Хуллас, ҳамма хурсанд пайтида Азим хафа бўлди. Бунинг боиси... Сайёра Ҳаким фермер билан очикдан очик юра бошлади. Кузги йиғим-терим палласида уй дон-дунга тўлиб кетди. Ўрилган шолининг бир қисмини ҳам фермер суюкли жазманига улашди.

Кеч кузда Азимнинг бир ўзи қолдириб кетилган трактор тиркамасига шоли юклади. Ярим тунгача похол ичига кириб, совқотиб тракторни кутди. Ундан дарак бўлмагач уйига жўнади. Эрталаб хотини уйғотиб, тракторчи билан далага жўнатди. Не кўз билан кўришсинки, дала-ни сув босган эди.

— Сувнинг қуришини кутамиз, — деди Азим.

— Мен гап эшитишни истамайман. Боз устига, шоли тўла тиркамани катталар кўриб қолишса борми, қиёмат қойим бўлиши аниқ, — деди тракторчи. Дарҳол дизел топиб келишди.

— Тиркамани ким илдиради? — бақирди ҳайдовчи. Тракторчи индамасдан ишшайиб тураверди. Азим этигини ечиб, шимини тиззасигача шимарди. Сув юзида юпқа муз қатлами бўлишига қарамай жадал сувга тушиб кетди. Совуқ азойи баданидан ўтиб, пичоқ билан кесгандай бўлди. Тишини тишига қўйиб, тиркамани дизелга илдирди. Дизел тортиб қуруқликка чиқариб берди. Трактор тиркамани тортиб кетди. Лекин Азимнинг оёқлари ўзига бўйсунмасди. Ҳатто этигини ҳам қия олмади. Шундан буён ногиронлар аравачасига миҳланиб қолди. Боласининг ҳам бахти қаро бўлди. Шўрлик фермернинг чўпонига айланди...

(Давоми бор.)

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

ЕТИМ



гидек самимийлик етишмаётганини сезиб турар, аммо бунинг сабабини билолмай хуноби ошарди. Кўпинча ёлғиз қолганида "кўз очиб кўргани" — Ҳалимани кўмсарди.

Ислохотлар туфайли ширкат хўжаликлари ўрнида фермерлар пайдо бўла бошлади. Азимларнинг бригадаси ерларини шаҳардан келган Ҳаким фермер олди. У дарёга электр насос қуриб, одамлар мушкулени осон қилди. Илгари одамлар томорқасини сувориш учун пул йиғиб, ёнилғи сотиб олиб насосни ишлатишарди. Энди эса барча харажатларни фермернинг ўзи кўтариб, сув учун ҳақ ол-

қизлар ўринларидан туриб салом беришди. Ҳалима алик олиб, сўрашиб, тоққа уланган сув қайнаткич ёнига ўтди-да, секин қўлни чўзди. У сув қайнатгични тармоқдан суғуришга улгурмади. Вилка ёригидан ўтган ток уни ўзига тортди. Қизлар дод солиб, ошхонадан отилиб чиқишди. Тўй азага айланди. Азим Ҳалимани бир умрга йўқотди.

Келаси йили Азаматнинг тўйи бўлиб ўтди. Ҳеч қанча вақт ўтмай эса Азимнинг опалари эрсиз туғиб, оиласидан қувғин қилинган аёлни унинг олдига бошлаб келишди.

— Оғалари қизни ўлғудай калтаклашгани боис,

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙҲХБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Баҳодир Хўшбоқовга падари бузруквори **ҲАСАН БОБОНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



БОЛАНГИЗ СУЗИШНИ БИЛАДИМИ?

● Майли бошда болага тахта (резина балон) беринг. У тахта устига қорни билан ёки чалқанчасига ётиб “сузиб” кўрсин.

● Фарзандингизни қўли, боши ёки елкаларидан ушлаб, сузишига ёрдамлашинг. У сув остида кўзини очишни ўргансин. Агар сув хлорли, ифлосланган ёки жуда шўр бўлса, кўзойнак тақсин. Болангиз сув тубини кўрса, ички кўрқувни енгиши осонлашади. Ёрқин рангли, чўкадиган ўйинчоқларни сувга ташланг — у олиб чиқсин.

СУВДА БАЖАРИЛАДИГАН СОДДА МАШҚЛАР:

● Бола сув остида тиззаларини кучоқлаб, бошини эгсин. Шунда елкалари сув юзига қалқиб чиқади.

● Сув устида туриб, оёқ-кўлларни чор атрофга ёйиш керак, буни “юлдузча” ҳам дейишади. Машқни қорин билан ёки чалқанчасига ётиб бажариш мумкин.

● Халқани сув остида ушлаб туринг. Болангиз унга тегмай ичидан сузиб ўтсин.

● Баъзилар болани сузишга тез ўргатиш учун қайиқдан чуқур сувга ташлаб юбориш керак дейишади. Асло бундай қилманг! Акс ҳолда болангиз бир умр сувдан кўрқиб қолиши мумкин.

● Болани сувга аста-секин кўниктириш керак. Аввал бирга паст сув ҳавзасига кириш. Фарзандингиз тиззасидан келадиган сув ичида ўйинчоқларини ўйнасин, юрсин, югурсин, ётсин. Кўзига сув сачраганда ҳам кўрқмасликни ўргансин.



● У паст сувга ётиб олиб, қўл-оёқлари билан чапиллатсин, елкалари, бошини сувга ботирсин.

● У оғиз билан нафас олиб, бурнидан чиқаришни ўргансин. Шунда сувда шарчалар пайдо бўлганини кўриб завқланади. Сўнг болани сув остида 1-2 сония нафас чиқармай туришга ўргатинг. Эсингизда бўлсин: уни ҳамаша мақтаб, кўнглини кўтариб туринг. Шунда машқлар осон кўчади.

● Мана, ниҳоят биринчи босқич тугади. Энди “сузувчи”нинг кўлларига шишириладиган енгчалар кийдирса бўлади. Фақат ҳар куни унинг ҳавосини оз-оздан камайтириб боринг, токи болангиз кўпроқ ўз кучига таянсин.

Хўш, болани қачондан сузишга ўргатган яхши? Мутахассисларнинг фикрича, унинг ёши улгайган сайин сувдан кўрқиши ортаркан. Фарзандингизни ҳали мактабга бормасдан туриб сузишга ўргатиш айни муддаодир.

Билмаса, ўргатишнинг ҳеч бир қийин жойи йўқ. Бунинг учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш фойдалидир.

● Аввало, болага сузиш қоидаларини қуруқликда тушунтиринг. У қандай қилиб сувни чапиллатишни яхшилаб уқиб олсин. Ўзингиз учун ҳам эслатиб ўтайлик: бунда тизза букилмайди, оёқ учи чўзилади, кўллар худди тегирмон сингари ҳаракат қилади.



| КРИПТОГРАММА | | | | | | 1. Ўрта аср ўзбек тарихчи олимми, элчи. | 2. Сайёра. 3. Қисқа фурсат. 4. Ҳаёт.. | 5. Чок тури. 6. Халқ мақоми. | 7. Юнон олимми. 8. Узум гунчаси. | 9. Юриш учун ёзилган куй. 10. Пуфлама соз.. | 11. Пойабзал тури. 12. Фотиҳа ниҳояси. | 13. Сув йўли. 14. Кун богар томон. | 15. Марказий Осиёдаги тоғлик. 16. Куй мароми. | 17. Гвинея пойтахти. | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---------------------------------------|------------------------------|----------------------------------|---|--|------------------------------------|---|----------------------|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
| 1 | 5 | 2 | - | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 9 | 1 | 6 | 8 | 7 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | 1 | 2 | 8 | 4 | 8 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4 | 8 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. Автомобиль кузови тури. 2. Осиё жанубидаги давлат. | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. Арабистондаги муқаддас тоғлик. 4. Муҳаммад ... | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 5. Саид Аҳмаднинг ҳажвий қиссаси. | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. Халқ рақс куйи. 7. Экуадор пойтахти. | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | |
| 8. Мусиқа ёзуви. 9. Ҳаёт моддаси. | | | | | | | | | 4 | | | 5 | | | | | | | | | | | |
| 10. Ёқилғи чиқиндисин. 11. Богловчи. | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12. Ёзма иш. 13. Қадимий сарой. | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 14. Фасл. 15. Ёғ ва тола олинадаган экин. | | | | | | | | | | 6 | | | | | | | | | | | | | |
| 16. Жавоҳир. 17. Томон. | | | | | | | | | | 7 | | | | | | | | | | | | | |
| 18. Катта уй. 19. Ҳаракатли ишора. | | | | | | 8 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 20. «Хамса»даги Лайлининг ёри. 21. Немис композитори. | | | | | | | | | | | | | | 9 | | | | | | | | | |

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ;
 1. Пост. 2. Доно. 3. Сино. 4. Ҳоли. 5. “Нола”. 6. Сатр. 7. Нома. 8. “Наво”. 9. Лола. 10. Тонг. 11. Твен. 12. Марв. 13. Вена. 14. Кели. 15. Тўти. 16. Неон. 17. Орол. 18. Озон. 19. Боку. 20. Кути. 21. Насл. 22. Лима. 23. Зеби. 24. Бизе. 25. Қари.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

“Постда” газетаси тахририяти истеъдодли юртдошларимизни танловга чорлайди.

Жорий йилнинг 10 ноябрига қадар давом этадиган ушбу танлов уч йўналишда олиб борилади.

1. “Энг яхши шеър” йўналиши бўйича. (Ушбу йўналишда фақат ички ишлар ходимлари ва ички ишлар фахрийлари иштирок этишади).
2. “Энг яхши детектив асар” йўналиши бўйича.
3. “Энг яхши сурат-лавҳа” йўналиши бўйича.

Иккинчи ва учинчи йўналишлар бўйича барча хоҳловчилар қатнашиб, ўз ижодий қобилиятларини синаб кўришлари мумкин.

Танлов, юқорида айтганимиздек, 10 ноябрь куни якунланади. Голиблар қуйидагича пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

Учта 1-ўрин учун – 75.000 сўмдан.
Учта 2-ўрин учун – 50.000 сўмдан.
Учта 3-ўрин учун – 25.000 сўмдан.

Танловга тақдим этилаётган асарлар бошқа нашрларда эълон қилинмаган бўлиши керак. Сизга омад тилаймиз ва мактубларингизни кутиб қоламиз!

Кўшимча маълумот учун телефонлар: **139-77-23, 139-73-88, 54-37-91.**

... ВА НИҲОЯТ

БАХТНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

Бир одам зинапоядан тушаётиб, қаттиқ йиқилди ва оёғи синди. Унга ёрдам бердилар. Магадкорлардан бири ўзича ўйларди: “Бечоранинг бахти чопмади. Одамлар бор — машина остида қолса ҳам бир жойи тирналмайди”. Иккинчиси эса аксинча: “Бахти бор одам экан, йўқса, шу йиқилишида фақат оёғи эмас, боши ҳам тарс ёриларди”...

Шундай, бахтни ҳар ким ўзича тушунади.

КЕЙИНГИ СОНДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР!

| | | | | | | |
|---|---|---|---|--|---|--|
| <p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p> | <p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p> <p>Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV</p> <p>Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV</p> | <p>Navbatchi Qobiljon SHOKIROV</p> <p>Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV</p> | <p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-77-23. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 59-27-15, 59-20-05. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p> <p>E-mail: urmvd@globalnet.uz</p> | <p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.</p> <p>«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat banking Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p> <p>GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN</p> <p>Buyurtma J-000384. Hajmi — 7 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.</p> | <p>● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart</p> <p>● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.</p> <p>● Oq'lozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p> | <p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366</p> <p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.</p> <p>Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.</p> <p>Korxonona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.</p> <p>Internet va xorijiy matbuot vositalarini asosida tayyorlandi.</p> |
|---|---|---|---|--|---|--|